Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1997 йил 23 апрель, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 31 (6927)

Da'vat

Сизни улуғликка ундайдиган ҳеч бир нарсага эътиборсиз бўлманг.

СТЕНДАЛ.

Ibrat

Яқинда Вобкент туманидаги иқтидорли болалар лицейи жамоаси янги бинога кўчиб ўтди. 320 нафар ўқувчига мўлжалланган зиё масканини «Ўзжамхўжқурилиш» 1-трестининг 201-хўжаликлараро кўчма механизациялашган жамланмаси қурувчилари бунёд этишди.

Taklif

ЎРГАНГАНИМИЗ ЎЗИМИЗНИКИ

Мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шунинг учун ҳам ҳунар лицейлари ва бизнес мактабларида таълим мазмуни тубдан ўзгартирилмоқда. Буни, айниқса, Республика ҳунар таълими ходимлари малакасини ошириш институтида бир ойлик ўқиш давомида янада чуқур ҳис қилдик. Чунки психология, педагогика ва иқтисодий фанлар бўйича қилинган маърузаларда ҳам бу жиҳатларга кенг ўрин берилган бўлиб, таълим мазмуни хусусиятига тегишли тавсиялар тингловчи ва ўқитувчилар ўртасида кенг муҳокама бўлди.

Агар республикамизнинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига ҳозирги замон талаби билан қарайдиган бўлсак, у ҳолда савдо-сотиқ, тадбиркорлик ишларини олиб борувчиларга ҳуқуқий билим бериш энг долзарб саналади. Бўлажак мутахассисларга банк, суғурта, солиқ каби тизим ҳужжатларини ўргатишимиз зарур бўлади. Бунинг учун эса, фикримизча, малака ошириш курсларида ҳам ушбу соҳаларга оид аниқ тавсия ва ҳужжат намуналари берилса, ўқув ишлари амалиёт билан янада яқиндан алоқада бўлади. Бозор шароитидаги ишлаб чиқаришда бажариладиган ишлар хусусида аниқ режалар (дизайн) тузиш юзасидан қишлоқ шароити ва талабига хос ишланма, тавсиялар берилса, амалиётчи ўқитувчилар учун жуда ўринли бўлади.

Бизнингча, энди ҳунар таълими тизимида тадбиркор, ишбилармон қилиб тайёрланадиган мутахассисларни ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш, улар билан ишлаш ва унга риоя қилишга ўргатсак, келгусида тайёрлаган мутахассисларимиз қонун йўли билан фаолият кўрсатишга амалий тайёрланиб боришади. Қолаверса, бизнес мактабларида ўрганган назарий йўналишдаги билимларини амалиётга тадбиқ қилишда қийналишмайди. Иш фаолиятида хатоликларга йўл қўймайди ҳамда бизнес режалар тузишдаги ўзаро ҳамкорликларда ҳуқуқий ҳимояланишларни тўғри ташкил этишади. Бизнес ишларидаги масъулиятларнинг ортишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда таълим-тарбиявий, илмий-тадқиқот, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларини бирбирига янада яқинлаштиришга эришилса, амалий натижалар сифати кенг имкониятларга эга бўла боради. Ҳунар таълими тимизида мутахассислар тайёрлаш замон талабига янада яқин келади. Назарий-илмий изланишлар амалий фаолиятлар билан уйғунлашади.

Ўроқ МАРДОНҚУЛОВ.
Қумқўрғон тумани.

Тошкентдаги авиация саноати ва иқтисодга ихтисослаштирилган 310-лицейда тажрибали муаллимлар ўқувчиларга умумтаълим фанлари билан бирга авиация ва иқтисод фанларини чуқур ўргатишмоқда. Сирасини айтганда, лицей толибларининг ўрта махсус ва олий ўқув юртларига кириб ўқишлари учун замин ҳозирланаётир. Бу ишда қатор институт олимлари ҳам жонкуярлик қилишаяпти.

СУРАТЛАРДА:

• Илғор муаллима Гулнора Ҳасанова ўғил-қизларга навбатдаги мавзу бўйича тушунча бермоқда.

• Ўқувчилар компьютерларда назарий билимларини синовдан ўтказаётирлар.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

❀ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Ш. Ш. Қобилов Ўзбекистон Республикасининг Покистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланди ҳамда унга биринчи даражали Фавқулодда ва Мухтор вакил дипломатик мартабаси берилди.

❀ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Ўндер Ўзарни қабул қилди. Унда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

JUMLADA JAHON

❀ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Хотин-қизлар ишлари мажмуисининг навбатдаги йиғилишида жойлардаги хотин-қизлар билан ишлаш шўъбаларининг жорий йилнинг биринчи чорагида амалга оширган ишлари ҳамда мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда оилада маънавий тарбияни кучайтириш борасида олиб борилаётган ишлар муҳокама этилди.

❀ Бундан уч йил муқаддам Озарбайжон билан Арманистон ўртасида имзоланган муроса шартномаси эскирганга ўхшайди. Бу икки мамлакат чегараларида қайтадан бошланиб кетган тўқнашувлар чоғида 50 киши ҳалок бўлди.

❀ Хитой Давлат кенгашининг раиси Цзянь Цземиннинг Россия Федерациясига бошланган расмий ташрифи давомида икки мамлакатнинг турли соҳалардаги, жумладан, ҳарбий соҳадаги масалалари муҳокама этилиб, бу борада ҳам шартнома имзоланиши кутилмоқда.

Abiturient — 97

«АХБОРОТНОМА»НИНГ НЕЧТАСИ ЧИҚДИ?

Ҳурматли таҳририят ходимлари аввал Давлат тест маркази «Ахборотнома»синнг бу йилги уч сони нашрдан чиққанлигини хабар қилган эдингизлар. Унинг қолган сонлари, бу йил қанча чиқишини маълум қилсангизлар мамнун бўлар эдик.

Нуробод туманидаги 64-мактабнинг бир гуруҳ ўқувчилари.

Шу кунгача «Ахборотнома»нинг 10 та сони нашрдан чиқди. Уларда ўрта умумтаълим фанларининг барчасидан олий ўқув юртларига кириш учун бўлиб ўтадиган тест синовларида тушиши мумкин бўлган саволлар берилган. Ишончли манбаларнинг маълум қилишича, бу йил «Ахборотнома»нинг 12 та сони чиқиши кутилмоқда. Турган гапки, саволлар салмоғи йилдан-йилга ошиб, сиздан синовларга жиддий тайёргарлик кўришни тақозо этмоқда.

Яна бир бор эслатамиз: «Ахборотнома»ни Тошкент шаҳрида Давлат тест марказидан пул ўтказиш йўли билан ёки шу марказнинг «Донишманд» жамғармасидан нақд пулга сотиб олиш мумкин. Вилоятларда тест марказининг бўлимларидан олишингиз мумкин.

ИНТЕРНЕТ
INTERNET

«ХЕМИНГУЭЙ» БАЙРАМИ

АҚШнинг Флорида штатида 1981 йилдан буён ўтказилиб келувчи «Хемингуэй» фестивалида ёзувчи Эрнест Хемингуэйнинг (1899-1961) ўхшашлари йиғилар эди. Минглаб томошабинларни жалб этувчи байрам ёзувчи ўғлининг талабига кўра тўхтатилди. Нобель мукофоти совриндорининг қариндошлари тижоратлашиб кетган томоша ташкилотчиларидан моддий товон талаб қилмоқда.

ҚАДИМИЙ АСТРОНОМ

Биринчи бор Хитойда ихтиро этилган компас, порох қаторига Юпитер сайёрасининг Ганимед йўлдоши ҳам қўшилди. Хитой олимлари фикрича, хитойлик астроном Ган Дэ (эр.ав. 4 аср) Галилейдан 2000 йил аввал оддий кўз билан ушбу йўлдошни кузатган. Ган Дэнинг ёзганлари йўқолган, лекин Хитой ФАнинг мутахассислари кейинги даврдаги астрономия китобларидан Ган Дэ йўлдош ҳақида ёзиб қолдирган баёнлардан олинган кўчирмаларни ўқиб чиқдилар.

ОНА ЖИГАРИ ҚИЗИГА

Россия Медицина Ф. А. хирургия илмий марказида туғма кароли касали билан оғриган 3 ёшли қизга 25 ёшли онаси жигарининг бир қисми трансплантация қилинди. Ўн тўрт соатлик операциядан кейин она-бола беморлар ўзларини яхши ҳис этишмоқда. Қариндошлар ўртасидаги трансплантация операцияси биринчи бор чикаголик профессор Броелш томонидан амалга оширилган.

«МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ХОНАСИНИ БЕЗАТИШ
2-бет.

МОЗИЙНИНГ ХОЛИС ТАЛҚИНИ
3-бет.

ГАЛАКТИКА НИМА?
4-бет.

Direktor minbari

УЙҒУНЛИК

ЁХУД БУГУННИНГ МАКТАБИ УЧУН ЎҚУВ ҲАМ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМ ЗАРУР

Республикамиз мустақилликка эришганига ҳам мана олтинчи йил кетаяпти. Бу унча кўп муддат бўлмаса-да, шу йилларда мамлакатимизда қўлга киритилган ютуқлар жаҳон жамоатчилиги кўз ўнгида намоён бўлмоқда. Республикамиз раҳбариятининг олиб борган тўғри ва оқилона сиёсати туфайли юртимизда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда.

Тинчлик, осойишталик, соғлик, дўсту биродарликнинг қадрига етишни биз катталар болалар қалбига ёшликдан сингдириб боришимиз зарур, деб ҳисоблайман. Мустақил юртимизнинг ҳақиқий эгаларини тарбиялашда, мактабимиз жамоаси ҳам бир қанча ибратли ишларни амалга оширишга эришди.

Илғор ўқитувчиларнинг тажрибуси билан вилоятда биринчилардан бўлиб 1990-91 ўқув йилида мактабимиз қошида физика-математика фанлари чуқурлаштириб ўргатиладиган синфлар ташкил этилди. Аввало, унга тумандаги энг кучли ўқитувчилар таклиф этилиб, мактаблардан физика-математика фанларига қобилияти бор 3-синфни тугатган болалар синов асосида танлаб олинди. Бу махсус синфларда олиб борилган тажриба ишлари яхши натижа берди. Мазкур синфларни битирган ўқувчиларнинг 80 фоизга яқини олий ва ўрта махсус ўқув юртларига киришга муваффақ бўлишди.

1990-1991 ўқув йилида тажриба сифатида 11-синф ўқувчиларининг билим даражаларига қараб, синфларга ажратиб, табақалаштириб ўқитиш ташкил этилди. Ўқувчилар табақага ажратилганда «А» синфга билимли, «Б» синфга ўрта, «В» синфга жуда бўш ўқийдиган ўқувчилар йиғилиб қолди. Ўқувчиларни бундай тоифаларга ажратиб ўқитиш ўзидан-ўзи турли муаммоларни келтириб чиқарди.

«А» синфда ўқийдиган ўқувчиларнинг деярли барчаси билимга чанқоқ, дастурларни тез ўзлаштириб олувчи болалар бўлганлиги сабабли уларнинг қобилиятлари ҳисобга олиниб, бу синфга кўпроқ қўшимча дарслар ташкил этилди. «А» синфдаги ўқувчилар билан ишлаш ўқитувчига ором бағишлаши билан бирга ўз устида кўпроқ ишлашни, болалар талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун турли хил усуллардан фойдаланишни тақозо этяпти.

«Б» синфга эса ўрта ва яхши ўқийдиган болалар йиғилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги дарсларга фаол қатнашар, топшириқларни ўз вақтида бажаришга интиладиганлар бўлса, баъзилари ўқитувчилар назорати сусайса, вазифаларни бажаришга камроқ эътибор берадиганлар эди. Бундай ўқувчилар билаш ишлаш учун ўқитувчилар ўқувчилар устидан мунтазам назорат олиб боришни талаб этарди.

«В» синф ўқувчилари эса дарсларга кўнгилдагидек қатнашмас, топшириқларни бажаришга интилмас, ҳатто улар орасида айрим дарсларга кирмайдиган ўқувчилар ҳам бор эди. Бу ўқувчилар «А», «Б» синфларда ўқиётган ўқувчиларга бошқача назар билан қарашар, аълочи ўқувчиларни «профессорлар», «олимлар» деб кесатиб гаплар отишар, шу билан уларни ҳам яхши ўқимасликка чақиришга интилардилар.

Табақалаштириб ўқитишни жорий этганимиздан сўнг яхши ўқийдиган ўғил-қизларнинг ота-оналари бу тажрибани қўллаб-қувватлашса, бўш ўқийдиган ўқувчиларнинг ота-оналари эса табақалаштиришга қарши фикрлар билдира бошладилар. Ҳатто ўқитувчилар орасида ҳам бу усулдаги ўқитишга қаршилар

(Давоми 3-бетда).

БОЛАЛАР ҚИШЛОҒИ

Биз истамасак-да, «Болалар уйи» ва ундаги етим ғудаклар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хўш, уларга эътибор қандай?

Ёмон деб бўлмайди. Еб-ичиши, кийиниши, ётоқхона ва ўқиши жойида. Аммо, барчаси маълум вақтгача. Бола вояга етгач... ҳаммаси ҳам ўз аравасини тортиб кетяптими?

Шу мавзуда суҳбатлаша туриб Қашқадарё вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раисаси Коммуна Исмоилова қизиқ бир фикрни айтиб қолди.

— Шу кунларда «SOS — киндердорф» ташкилоти ва давлатимиз томонидан ўзаро шартнома имзоланса, бизда ҳам халқаро болалар қишлоқчалари қурилиши бошланади...

Айтган гапига қизиқиб қолганимни кўриб Коммуна опа менга бир талай инглиз тилида чоп этилган журналлар ва ўзининг бу борада бошлаган дастлабки ишларидан кўчирмаларни кўрсатди. Ажойиб. Келинг яхшиси сиз ҳам «SOS — киндердорф» ташкилоти ва унинг фаолияти билан танишинг.

SOS — КИНДЕРДОРФ ИНТЕРНЕЙШНЛ

Бирор давлатга ёки бирорта динга боғлиқлиги бўлмаган ушбу халқаро ташкилотнинг асл мақсади ирқидан, динидан ва миллатидан қатъий назар етим ғудакларни оилага тортиш орқали уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, шу йўлда уларга зарур ёрдамларни кўрсатишдир. Биринчи «SOS — болалар қишлоғи» 1949 йил Герман Гмейнер томонидан Австрияда ташкил этилган. Ушбу хайрли ишнинг сабабчиси Герман Гмейнер 1919 йил австриялик катта фермер оиласида туғилган. Жуда ёшлигида онасидан айрилиб, етимлик азобларини кўрган Герман Гмейнер иккинчи жаҳон уруши туфайли етим қолган болалар тақдирига куюнчаклик билан қарайди. Ўз кузатувлари натижасида шунга амин бўладики, етим бола оила шароитида тарбиялансагина яхши натижаларга олиб келиши мумкин. Герман Гмейнер бошлаган иш тез орада бутун дунё бўйлаб ёйила бошлайди. Бугун «SOS — киндердорф интернейшнл»га 126 мамлакатдан 6,5 миллиондан зиёд одам ёрдам бермоқда ва «»SOS — болалар қишлоғи»нинг сони 340 дан ошиб кетди.

SOS — БОЛАЛАР ҚИШЛОҒИНИНГ ШАКЛИ

Қишлоқ ташкил этишдан асосий мақсад етим ғудакларни маҳаллий мактаб ва коллежларда ўқиб чуқур билим эгаллаши, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари ва бошқа тадбирлар орқали улар кўнглида оилага меҳр уйғотишдир.

Демак, «»SOS — болалар қишлоғи»нинг мақсадидан келиб чиқиб шакли ҳам ўзига хос.

Қишлоқ 10—15 та алоҳида-алоҳида уйдан иборат.

Тарбия масаласига келганда эса асосий вазифа она (худди шундай аталади) зиммасига юкланади. Она ўз қарамоғидаги болаларга бор меҳрини бериши, қолаверса, ўзини бахшида этишга-да тайёр аёл бўлмоғи лозим. Шу сабабли она танлашда жуда жиддий шартлар белгиланган.

Аввало, она вазифасига ишга қабул қилинадиган аёл 25—30 ёшларда бўлиши ва оиласи бўлмаслиги лозим. Мабодо турмушга чиқадиган бўлса,дарҳол болалар қишлоғи билан алоқаси узилади.

Сабр ва матонат билан етим ғудакларни тарбиялаб вояга етказган аёл нафақа ёшига етгач, умрининг охиригача «SOS — киндердорф интернейшнл» белгилаган нафақага эга бўлади.

Бугунги кунда МДҲ давлатларидан Арманистон, Грузия, Россия ва Қозоғистонда «»SOS — болалар қишлоғи» фаолият кўрсатиб келмоқда. Шартнома имзолангач, республикамизнинг Тошкент, Самарқанд ва Қарши шаҳарларида ҳам худди шундай қишлоқлар бунёд этилиши кўзда тутилмоқда.

Ботир ЭРНАЗАРОВ.
Қашқадарё вилояти.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

БИР АЖОЙИБ КЕЧА БЎЛДИ

Бундан 20 йил аввал Чироқчи туманидаги 108-мактабни битирган ўқувчилар, бугун яна жамулжам бўлишди. Нега дейсизми? Сезмадингизми? Улар мактабни битирганларининг 20-йиллигини нишонлаш учун тўпланишди-ку! 40 нафар собиқ ўқувчи шу куни олис ўтмишни хотирлашди. Бир дам бу кунларга етмаган устозлару синфдошлар ҳам ёдга олинди. Сўнгра биринкетин собиқ ўқувчилару мураббийларни табрик этишди. Даврани янада файзли ўтишида санъаткорлар гуруҳининг ҳам хизматлари катта бўлди. Кеча охирида эса устозларига собиқ ўқувчилар совға-саломлар ҳадя қилишди.

Б. БОБОРАҲМАТОВ.

«ЭЛТЕКС» МУРУВВАТИ

Элликқалъа туманидан қанот қоққан муждалардан билишимизча, туманда Ҳотамтойнинг ҳам ҳаваси келадиган бир савобли ишга қўл урилган. Яъни «Элтекс» тўқимачилик ҳиссадорлик жамияти шу туман мактабларидаги 24 минг 679 нафар ўқувчига бепул костюм-шим, 3 минг ўқувчига эса туфли совға қилишган.

Ҳа, деган туяга мадад деганларидек, бугунги иқтисодий тақчиллик шароитида ўқувчиларни бу хил рағбатлантиришлар уларнинг илм олишида ҳам муҳим ўрин тутиши муқаррар.

Г. ОЛЛАБЕРГЕНОВА.

АНДИЖОНДА БЎЛИБ ЎТАДИ

Яқин кунларда Андижон шаҳрида бир семинар кенгаш ўтказилади. «Соғлом авлодни камол топтиришда одоб ва ахлоқ» ҳамда «Халқ таълими ходимларининг саломатликларини тиклаш» мавзусидаги ушбу республика семинар — кенгашида Андижон вилояти халқ таълими бошқармасининг «Педагог ходимлар ва тарбияланувчи — таълим олувчиларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш борасидаги фаолияти» ҳақида, шунингдек, баъзи муаммоли масалалар хусусида ҳам фикрлашиш режалари тузилган.

А. НАЗАРОВ.

ДИҚҚАТ: СИРТҚИ ТЕЛЕВИЗИОН МУСОБАҚА

II ТУР ТОПШИРИҚЛАРИ

Маълумки, Ўзбекистон телевидениесининг шу йил февраль ойи кўрсатувлари ҳамда «Маърифат» газетасининг 1997 йил 26 февраль сони орқали республикамиз мактабларининг 8—11-синфлари ва педагогика ҳамда ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари учун физика, математика ва кимё фанларидан ўтказилаётган сиртқи телевизион мусобақанинг 1 тури шартлари эълон қилинган эди. Ўтган муддат ичида республикамизнинг турли бурчакларидан, барча вилоятлардан, Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигида ташкил топган лицейлардан минглаб жавоб хатлари олинди. Хатлар фанлар бўйича ажратилиб, ҳар уччала фан бўйича ҳакамлар ҳайъатига топширилди.

Ҳайъат аъзолари ишларни атрофлича таҳлил қилиб, берилган топшириқларнинг ҳар бирини 7 баллдан жами 35 балли тизимда баҳоладилар. Умумий баллнинг 40 фоизидан ортиғини тўплаган ўқувчилар мусобақанинг иккинчи турига қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Намуна сифатида қуйидаги энг юқори балл тўплаган ўқувчиларни кўрсатиш мумкин:

ФИЗИКА ФАНИ БЎЙИЧА:

11-синф ўқувчиларидан — Бухоро вилоятидан Абдужабборов Шуҳрат, Хоразм вилоятидан Оллоберганов Сарвар.

10-синф ўқувчиларидан — Бухоро вилоятидан Қиёмов Рустам, Тошкент вилоятидан Норматов Улуғбек, Хоразм вилоятидан Юсупов Жамбул ва Худойберганов Сардор.

9-синф ўқувчиларидан — Хоразмдан Қаҳҳоров Умар, Бухородан Ражабов Қурбон.

8-синф ўқувчиларидан — Фарғона вилоятидан Эҳсонов Элёр, Тошкент вилоятидан Ғозиев Бахтиёр кабилар.

МАТЕМАТИКА ФАНИ БЎЙИЧА:

8-синфдан — Хоразм вилоятидан М. Сотлиқов, Матвалиев Ҳакимбой, Ишметов Озод, Фарғона вилоятидан Асқаров Отабек, Тошкент шаҳридан Усмонов Шерзод ва Усмонов Дониёрлар.

9-синфдан — Бухородан И. Бақоев, Ш. Тўраев, И. Расулов, Андижондан А. Эргашев, З. Омадиллаев; Хоразмдан М. Бекжонов, Фарғонадан Э. Қосимов, Тошкентдан А. Тян, Ш. Мирзаолимов, Н. Гольцева кабилар.

10-синфдан — жами қатнашган ўқувчилардан 55 нафари энг юқори — 35 баллдан, 3 ўқувчи 34 баллдан тўплаганлар.

11-синфдан — Бухородан Султонов Одил, Фарғонадан Деҳқонов Шуҳрат, Тошкент шаҳридан Дё Александр, Боев Валерий кабилар.

ХИМИЯ ФАНИ БЎЙИЧА:

11-синфдан — Хоразмдан Оллоберганов Отабек, Бухородан Ҳабибова Умида.

10-синфдан — Жиззахдан А. Мустафоқулов, Андижондан Д. Абдурахмонов.

9-синфдан — Хоразмдан Беҳзод Абдуллаев, Тошкент вилоятидан Озод Оқбоевлар энг юқори балл тўплаганлар.

Шу билан бир қаторда таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кимё фани бўйича 10-синфнинг 2-масаласи кўпчилик ўқувчилар учун қийинлик қилган. 9-синфдан 4-масалани эса Андижондан Зулунов Шуҳрат, Бухородан Ҳамдамова Марҳаболар 3 хил йўл билан ишлаганлар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, юборилган ишларда бир хил такрорланган жавоблар кўп. Айниқса математика фани бўйича Наманган ва Бухоро вилоятларидан ҳамда Тошкент шаҳрининг Сирғали туманидан келган бир қанча ишлар айнан ўхшаш.

1 тур масалаларини ечишда катталар — ўқитувчилар ва ота-оналар ёрдам берган бўлишлари мумкин. III турда — телевидениеда ошкоралик билан ўтаётганда, ҳижолатда қолмаслик учун ўқувчиларимиз II тур масалаларини ўзлари мустақил ечишлари шарт.

Хатжилд устига, албатта, фаннинг номи ва синфини ёзиб қўйишни унутманг.

Қуйида уччала фан бўйича II тур масалаларининг шартларини эълон қиламиз.

Республика Таълим маркази.

МАТЕМАТИКА ФАНИ БЎЙИЧА

8-СИНФ

1. Агар $a + b + c = 0$ бўлса, $ab + bc + ac \le 0$ тенгсизлик исботлансин.

2. Берилган айланага ички чизилган барча ўткир бурчакли учбурчакларнинг оғирлик марказлари тўплами топилсин.

3. $(n - 1)!$ сони n^2 га бўлинмайдиган барча натурал n сонлар топилсин.

4. Иҳтиёрий кетма-кет учтасининг йиғиндиси мусбат ва барча 20 тасини йиғиндиси манфий бўладиган қилиб 20та сонни бир қаторга ёзиш мумкинми?

5. Радиуси 1га тенг бўлган айланада 100 та нуқта белгиланган. Айланада шундай бир нуқта топиш мумкинки, ундан барча белгиланган нуқталаргача масофалар йиғиндиси 100 дан катта бўлишини исботланг.

9-СИНФ

1. a, b, c мусбат сонлари учун $a + b + c = \frac{1}{222}$ бўлса, $\frac{1}{a}+\frac{1}{b}+\frac{1}{c} \ge 1998$ эканлигини исботланг.

2. $x^4 - y^4 = 106$ тенгламанинг натурал ечимларини топинг.

3. Текисликдаги ясси фигура фақат иккита симметрия ўқига эга бўлса, улар ўзаро перпендикуляр эканини исботланг.

4. $(n - 1)!$ сони n^2 га бўлинмайдиган барча натурал n сонларни топинг.

5. x ва y натурал сонлари учун $\frac{(x+y-1)(x+y-2)}{2}+y$ ифода натурал сон бўлишини кўрсатинг.

10-СИНФ

1. Бир неча соннинг йиғиндиси 1 га тенг. Бу сонлар квадратларининг йиғиндиси 0,001 дан кичик бўлиши мумкинми?

2. 7, 8, 9 сонлари бирор геометрик прогрессиянинг ҳадлари бўлиши мумкинми? (қўшни ҳадлар бўлиши шарт эмас)

3. ABC учбурчакнинг томонларига ташқи ABC_1 ва ACB_1 тенг томонли учбурчаклар қурилган. BB_1 ва CC_1 кесмалар орасидаги бурчакни топинг.

4. Фазода олинган ихтиёрий A, B, C, D нуқталар учун $\overline{AB}\cdot\overline{CD}+\overline{AC}\cdot\overline{DB}+\overline{AD}\cdot\overline{BC}=0$ эканлигини исботланг.

5. 9x7 ўлчамли катак қоғознинг ҳар бир катагида чумоли турибди. Чумолилар бир вақтда горизонтал ёки вертикал қўшни катакларга ўтишди. Бунда албатта бўш катак қоладими?

11-СИНФ

1. $1996\,x^{1997}+1997\,y^{1998}=1999$ тенгликни қаноатлантирувчи x ва y бутун сонлар мавжудми?

2. 25 x 25 катак қоғозда i-сатр ва j-устун кесишган катакка ixj кўпайтма ёзилган(масалан, 7-сатр ва 13-устун кесишган катакка 7x13=91 ёзилган). Натижада, битта сон кўпи билан неча марта ёзилиши мумкин?

3. Компьютер $P(x) = ax^3 + bx^2 + cx + d$, $a \neq 0$; кўринишидаги кўпҳад илдизларини топиб бераоладиган дастурга эга.

Компьютердан фойдаланиб, $\begin{cases} X = P(Y) \\ Y = P(X) \end{cases}$ системанинг ечимларини топиш мумкинми?

4. Ҳисобланг: $\cos\frac{\pi}{15}\cos\frac{2\pi}{15}\cos\frac{3\pi}{15}\cos\frac{4\pi}{15}\cos\frac{5\pi}{15}\cos\frac{6\pi}{15}\cos\frac{7\pi}{15}$

5. Агар учбурчакли пирамиданинг иккита ёғига ички чизилган айланалар ўзаро уринса, у ҳолда пирамиданинг қолган икки ёғига ички чизилган айланалар ҳам ўзаро уринишини исботланг.

ФИЗИКА ФАНИ БЎЙИЧА

8-СИНФ

1. Кўчада ёмғир ёғмоқда. Юк машинасининг кузовида турган челак қайси ҳолда сув билан тез тўлади: Юк машинаси тинч тургандами ёки ҳаракатлангандами?

2. Биринчи бола динамометрни 200 Н, иккинчиси эса 300 Н куч билан тортиши мумкин. Агар икки бола динамометрни икки тарафидан қарама-қарши йўналишда жойидан қўзғалмасдан тортса, динамометрнинг кўрсатиши нимага тенг?

3. Идишдаги сувда m массали жисм сузиб юрибди. Муз ичида m массали темир бўлаги бор. Муз тўла эриганда идишдаги сувнинг сатҳи қандай ўзгаради?

4. Симоб томчиси ерга тушиб урилгандан кейин тўла бўғланиб кетиши учун у қандай баландликдан тушиш керак? Ҳавонинг қаршилигини ҳисобга олманг.

5. Расмда кўрсатилган схемадаги занжирдан ўтувчи умумий ток кучини аниқланг. Уловчи AB ва бошқа уловчи симларнинг қаршилиги нолга тенг. CD клеммадаги кучланиш 12 В, қаршиликлари $R_1 = 3$ Ом, $R_2 = 6$ Ом, $R_3 = R_4 = 4$ Ом га тенг.



9-СИНФ

1. Ердан қуёшнинг кўриниш бурчаги 10^{-2} рад. Ер радиусини 6400 км деб олиб, Ер ва Қуёшнинг ўртача зичликларининг нисбатини аниқланг. 1 йил = $3\cdot10^7$ секунд.

2. Чизмадаги уччала амперметр ва Rx резисторлар бир хил. Агар биринчи амперметр 1 мА, иккинчи амперметр 4 мА токни кўрсатса, учинчиси қандай токни кўрсатади? R_x нимага тенг? $U_o = 4{,}5$В



3. Ҳарорати 20°С бўлган массаси 2 кг бўлган сувга -40°С ҳароратдаги 5кг муз туширилди. Системанинг ҳароратини топинг.

4. Йиғувчи линза ёрдамида экранда жисмнинг h_1 баландлиикка эга бўлган тасвири олинди. Жисм ва экраннинг ўрни ўзгартирилмасдан, линза экран томон сурилганда, экранда жисмнинг h_2 баландликка эга бўлган аниқ тасвири олинди. Жисмнинг ҳақиқий баландлиги топилсин.

5. 1 м баландликдан ташланган ғишт теннис тўпи устига келиб урилди ва ундан қайтиб 0,9м баландликка кўтарилди. Теннис тўпи қандай баландликка кўтарилади?

10-СИНФ

1. q_1 зарядли m массали шар горизонтга нисбатан α бурчак остида h баландликдан бошланғич тезликсиз тушмоқда. h баландлик билан горизонт орасидаги тўғри бурчакда q_2 заряд қўзғалмас ҳолда жойлаштирилган. Шарнинг қиялик охиридаги тезлиги топилсин.



2. Бикрлиги k_1, k_2, k_3 бўлган учта пружина расмда кўрсатилганидек уланган. Пружиналар системасига m массали юк осилган. Юк мувозанат вазиятидан вертикал ҳолатда чиқарилиб қўйиб юборилди. Юкнинг тебраниш даври нимага тенг?



3. Массаси 1 кг бўлган номаълум газнинг температурасини 1 К га ўзгартириш учун, ўзгармас босимда 912 Ж, ўзгармас ҳажмда эса 649 Ж иссиқлик керак бўлади. Бу қандай газ?

4. Углерод ва кислороддан ташкил топган газ массаси 1г бўлиб газ ҳолатида 27°С температурадаги ҳажми $1дм^3$ ва босими $5{,}6x10^4$ Па бўлган. Газ формуласини топинг.

5. Горизонтга қия отилган туп баскетбол ҳалқасига тепа томондан тушади. Тўп радиуси r, ҳалқа радиуси R = 2r, полдан ҳалқанинг баландлиги h = 3м га тенг. Агар тўпни ҳалқадан 5м узоқликдаги 2м баландликдан отилса, қиялик бурчаги нимага тенг?

11-СИНФ

1. Ясси конденсаторнинг биринчи пластинкаси бикрлиги k бўлган пружинага, иккинчиси эса қўзғалмас қилиб маҳкамланган. Пластинкалар ораси l_o. Пластинкаларни U кучланишли ток манбаига уланганда бир-бирига тортилиб тегмаслиги учун пружина бикрлиги нимага тенг бўлиши керак? S-пластинкалар юзаси.

2. Камондан массаси 20г бўлган ўқ юқорига тик отилди. Бунда узунлиги 1м бўлган камон ипи 5см тортилди. Камон ипида ҳосил бўлган эластиклик кучи 250 Н (ўзгармас) бўлса, ўқнинг кўтарилиш баладлиги аниқлансин.

3. Графикда кўрсатилган токнинг таъсир этувчи қийматини топинг.



4. Космик кема метеорит заррачалар оқимига қарши υ тезлик билан, сўнгра оқим йўналишида шундай υ тезлик билан ҳаракатланади. Бунда двигателнинг тортиш кучи 4 марта камаяди. Метиорит заррачалар тезлигини топинг. Кема ясси асосли цилиндр шаклида ва тўқнашиш абсолют деб ҳисоблансин.

5. Цилиндрик идишга юқори томондан m массали поршень тушириб қўйиб юборилди. Поршеннинг тезлиги максимал бўлганда идишдаги ҳаво босими топилсин. Поршень ва цилиндр идиш юзаси S, атмосфера босими P_o га тенг ва ишқаланиш йўқ деб ҳисоблансин.

ХИМИЯ ФАНИ БЎЙИЧА

9-СИНФ

1. Бир вақтнинг ўзида эритмада қуйидаги моддалар жуфтидан қайси бири мавжуд бўла олади?

1. $KCl + Na_2SO_4 \rightarrow$
2. $KOH + FeCl_3 \rightarrow$
3. $NH_4OH + H_2SO_4 \rightarrow$
4. $CaCl_2 + K_2CO_3 \rightarrow$
5. $NaOH + K_2SO_4 \rightarrow$
6. $NaHCO_3 + NaOH \rightarrow$

Жавобингизни изоҳланг.

2. Қуйидаги моддаларнинг 0,01 м эритмасидаги қайси ионларнинг конценрацияси 0,01 моль/л га тенг?

1. KCl 2. $CuSO_4$ 3. $Ca(NO_3)_2$ 4. $Ba(OH)_2$ 5. K_3PO_4 6. KH_2PO_4 7. CH_3COOH 8. $FeOHCl_2$ 9. $Mg(HCO_3)_2$ 10. $Al_2(SO_4)_3$.

3. Суюлтирилган сульфат кислотали 2 стакан тарозининг икки палласига қўйилган ва тарози мувозанатга келтирилгандан сўнг бирига 1г магний, иккинчисига эса 1г темир қўшилди. Реакциядан сўнг тарози паллалари қандай ҳолатга келар экан?

4. Электролизга тўлиқ учраганда 120 г натрий гидроксид олиш учун концентрацияси 14,6%ли ва зичлиги $1{,}12г/см^3$ бўлган натрий хлориднинг неча мл эритмаси керак бўлади?

5. Калий гидроксид эритмасига 14,7 г ортофосфат кислотасини қўшганда эритмада умумий массаси 22,45г бўлган KH_2PO_4 ва K_2HPO_4 тузлар ҳосил бўлди. Бошланғич эритмадаги калий гидроксиднинг массасини топинг.

10-СИНФ

1. 3-метил бутанол - 1 дан 4 - метилпентин - 2 олишни қуйидаги схема бўйича амалга оширинг ва реакция шароитларини кўрсатинг:

$$CH_3-\underset{\underset{CH_3}{|}}{CH}-CH_2-CH_2-OH \rightarrow A \rightarrow B \rightarrow C \rightarrow Д \rightarrow CH_3-\underset{\underset{CH_3}{|}}{CH}-C\equiv C-CH_3$$

2. Изопропил бензолдан 3 - нитробензофенон олишни қуйидаги кетма - кетликда амалга оширинг.



$\rightarrow A \rightarrow B \rightarrow C \rightarrow$ 3 - нитробензофенон

3. А ва В моддаларнинг ўзаро таъсирлашуви натижасида иккаласининг таркибида мавжуд бўлган элементдан ташкил топган С газ ҳосил бўлади. С газ калий гидроксиднинг иссиқ эритмаси билан таъсирланганда ҳосил бўлган моддаларнинг орасида А модда ҳам бўлади. Газ С нур таъсирида газ ҳолатидаги оддий модда Д билан реакцияга киришиб В модда ҳосил қилса А, В, С, Д моддаларни аниқланг, тегишли тенгламаларини ёзинг.

4. Массаси 596 г бўлган рух сульфат эритмасига 40 г магний кукуни қўшилди. Маълум вақтдан сўнг металл кукуни эритмадан ажратиб қуритилди ва тортилди. Унинг массаси 56 г га тенг бўлди. Металл кукуни ажратиб олингандан сўнг эритмада қолган магний сульфатнинг масса унумини (фоизларда) аниқланг.

5. Водородга нисбатан зичлиги 7,5 га тенг бўлган водород, углерод/II/-оксид ва этилендан иборат газлар аралашмасининг бир литрини ёқиш учун (н.ш. да) ўлчанган 1.125 л кислород сарф бўлса, дастлабки аралашмадаги газларнинг ҳажмий таркиби /фоизда/ қандай бўлади.

11-СИНФ

1. Метаннинг парчаланишидан ҳосил бўлган газ маълум тартибда пропиленга тўлиқ ютилиши учун метан ва пропилендан қандай хажмий (н.ш.да) нисбатларда олиш керак?

2. Мой кислота радикал хлорланганда α–, β–, γ– водород атомларининг нисбий реакцион қобилияти мос равишда 0,24: 3,1: 1 га тенг бўлган бўлса, мой кислотани монохлорлаш маҳсулотларининг процент таркибини аниқланг.

3. Анилин билан циклогексиламиннинг асослилигини таққосланг.

4. Цианид кислотанинг диссоциаланиш константаси 7.10^{-10} га тенг. Цианид кислотанинг 0,5 м эритмасидаги H^+ ионларининг концентрациясини ҳисобланг.

5. Темир билан темир қуюндисидан иборат 28,8 г аралашмаси водород билан қайтарилди. Реакция маҳсулоти хлорид кислота билан реакцияга киритилди. Бунда 8,96 л (н.ш. да) газ ажралиб чиқди. Дастлабки аралашманинг таркибини граммларда аниқланг.

Metodika minbari

«МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ХОНАСИНИ БЕЗАТИШ

«Маънавият ва маърифат» хонасини қандай безатиш керак?

Ҳали кўпчилик бу ҳақда бош қотиргани йўқ. Таълим-тарбия муассасалари ҳам ўз билганларича бундай хонани вужудга келтириш билан овора. Хўш, «Маънавият ва маърифат» хонасини қай тарзда безатиш мақсадга мувофиқ? Қуйидаги тавсиялар ана шу саволга жавоб беради.

* * *

«Маънавият ва маърифат» хонасини безатиш, албатта, мураккаб ва кенг қамровли иш. Республика Таълим марказининг маънавият ва қўшимча таълим бўлими методистлари томонидан ишлаб чиқилган бу тавсиялар 8 банддан иборат бўлиб, мавзу жиҳатдан ранг-баранг ва ўқувчиларни ўйлашга, мушоҳада этишга ундайди.

Дастлабки бўлим «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» деб аталади. Хонани безатувчи ким бўлишидан қатий назар, у ўқитувчими, тарбиячими, ташкилотчи ёки синф раҳбарими, бу бўлимда асосий урғуни Ватан тушунчасининг нақадар кенг ва улуғ, туганмас ва қудратли эканлигига қаратиши керак. Ватан бу кишининг туғилиб ўсган юртигина эмас, балки кишининг иймони, виждони, тили, дини, қоларса, ўзлигидир. Ана шу боқий тушунчалар негизида мамлакатимиздаги қўҳна ва навқирон шаҳарлар — Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хиванинг таърифтавсифини келтириб ўтиш ниҳоятда ўринлидир.

Кейинги бўлим «Ватанни севмоқ иймондандир» деб номланади. Аслида бу мавзу юқоридаги келтирилган ғоянинг узвий давоми бўлиб, Ватанни кўз қорачиғидек асраш кераклиги ҳақидаги тушунча билан тўлдирилади. Демак, Ватанни севмоқ — иймондандир. Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш ҳар бир фуқаро учун улкан бахт.

«Ўзбекистон — Ватаним маним». Ҳа, бу юрт ҳар бир қалбга Ватан суратини чизган макондир. Бу бўлимда Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида тан олингани, (1991 йил 31 август), юртимиз харитаси, тамғаси, байроғи, мадҳияси, Конституцияси ҳақидаги батафсил маълумотлар ўз аксини ва ифодасини топмоғи керак.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти».

Галдаги бўлимда республикамиз Президентининг таржимаи ҳоли, сурати, амалга ошираётган ишларини кўрсатиб берилиши керак. И. А. Каримов асарлари — маънавият дурдоналари. Демак, «Маънавият ва маърифат» хонасидан, албатта, Президентимизнинг маънавиятга дахлдор асарлари жой олмоғи шарт ва зарур. Шунингдек, Президентимизнинг турли йиғинларда сўзлаган нутқлари, у ҳақдаги асарлар ҳам мазкур хонага мазмун ва руҳ бағишлаши табиий.

«Маънавият — ҳаёт кўзгуси». Бу мавзу мазкур хонага энг катта ва чуқур мазмун бағишлашини унутмаслигимиз керак. Мазкур бўлимда маънавиятга дахлдор ҳужжатлар қўйилади. Масалан, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш» тўғрисидаги фармон (1996 йил, 9 сентябрь), «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази қошида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасини қуллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарор (1996 йил, 27 сентябрь)лар жой олади. «Тилга эътибор — дилга эътибор» деб номланган мавзу ҳам ана шу бўлимдан ўрин олади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни (1989 йил, 21 октябрь) тўғрисида маълумот берилади.

«Маънавият — олий қадрият».

Ҳа, чиндан ҳам шундай. Маънавиятимизнинг улкан алломалари бор экан, халқимизнинг маданияти, санъати, урф одатлари такомиллашаверади. Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Фирдавсий, Мусо Ал-Хоразмий, Абу Носир Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Нодирабегим, Огаҳийлар маънавиятимизнинг улмас сиймолари. Тариқат ва фикҳ илмининг асосчилари Ат-Термизий, Исмоил Ал-Бухорий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий кабиларнинг ўгит-насиҳатларидан намуналар, «Қуръони Карим» ва ҳадиси-шарифлардан келтирилган дурдона фикрлар ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтиришга ёрдам беради.

Тарихий миллий қаҳрамонларимиз — Тумарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Маҳмуд Торобий, Амир Темур ва улар ҳақида қисқа-қисқа маълумотлар келтириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Истиқлол учун курашган Беҳбудий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Абдулла Кодирий каби адиб ва олимларнинг суратларини чизиш ёки тайёр портретларини топиш ўқувчиларнинг мустақил юртимиз тарихи ва бугуни ҳақидаги тасаввурларини кенгайтиради.

«Маънавият — олий қадрият» мавзусига ёндашганда эса халқимиз урф одатларига ҳам алоҳида банд сифатида муносабат билдириш талаб қилинади. Масалан, қандай? Ота-онага ҳурматда бўлиш, устознинг отадан ҳам улуғ эканлигини таъкидлаш. Маҳалланинг тарбия ўчоғи эканлигини мисоллар орқали тушунтириш. Етти авлод шажарасини билиш. Байрам ва маросимлар ҳақида ҳикоя қилиш. Мустақиллик, Наврўз, Конституция куни, ийд Рамазон ва Қурбон ҳайитларига изоҳ бериш. Ниҳоят, тўй-тантаналар, уларнинг турлари ҳақида ҳам ҳикоя қилиб бериш лозим.

Сўнгги мавзулардан бири «Оиламаънавият асоси» деб номланади. Оилада ота-онанинг алоҳида ўрни борлиги таъкидланади. Бола тарбияси ота-она зиммасидаги улкан масъулият. Аммо фарзандлик бурчи ҳақида ҳам гапириб ўтишни унутмаслик керак. Оиланинг мактаб ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорлиги ҳам эзгу ишга хизмат қилиши уқдирилади. Оилавий анъаналар — тўй ва туғилган кунларни нишонлаш ҳам маънавият асоси.

«Маънавият ва оммавий ахборот воситалари» мавзуси ҳам долзарб. Чунки бизнинг маънавий ҳаётимиз, аввало, вақтли матбуотда акс этади, кўринади. Бу бўлимда оммавий ахборот воситалари-газета, журнал, радио, телевидение ҳақида тўхтаб ўтилади. Бинобарин, вақтли матбуотнинг инсон маънавиятини шакллантиришдаги буюк хизматини тан олмай иложимиз йўқ. Мазкур мавзуга ёндашганда, республикамизда телевидение ва радиоэшиттиришларнинг нечта дастур асосида иш олиб бораётгани, қанча ва неча нусхада газета-журналлар чоп этгилаётганини факт-рақамлар орқали кўрсатиб ўтиш тавсия қилинади.

Хуллас, «Маънавият ва маърифат» хонасини қай даражада безатиш ўзимизга, ўз маҳоратимиз ва изланишимизга боғлиқ. Демак, изласак, ижодий ёндашсак, маънавиятни юксалтиришга ўзимизнинг камтарин хизматимизни қўшган бўламиз.

Машкура ТУРОПОВА, республика таълим маркази «Маънавият ва қўшимча таълим» бўлими мудири.

Rasmiy bo'lim

БУ – СИЗНИНГ ИМКОНИЯТИНГИЗ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТЛАРИ КЎРСАТИШИ МУМКИН БЎЛГАН ҚЎШИМЧА ПУЛЛИК ХИЗМАТЛАР

Тайёрлов бўлимлари (курслари):

олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кирувчи абитуриентларни тайёрлаш;

ўқувчилар, талабалар ва барча хоҳловчиларга хорижий тилларни ўргатиш;

компьютерда ишлашни ўргатиш;

шартнома асосида иккинчи (қўшимча) мутахассисликка ўқитиш;

бир мутахассисликдан бошқа бир мутахассисликка педагогик кадрларни қайта тайёрлаш.

Тарбиявий-ривожлантириш хизматлари:

ўқувчилар, талабалар ва фуқаролар учун тўгараклар (гуруҳ, фольклор дасталари, фотостудия, қизиқиши бўйича клублар ва бошқалар) ташкил этиш, мусиқа асбобларида чалишни ўргатиш, фотография, театр санъати, кино, видео, радио ҳаваскорлик иши бўйича, техник ижодкорлик, рақс, суратқашлик, столда ўйналадиган ўйинлар, тўқиш, каштачилик, шахсий компьютерда ишлашга ўргатиш;

пуллик тикиш-бичиш курсларини ташкил этиш;

турли хил концертлар ташкил этиш.

Соғломлаштириш хизмати:

ўқувчилар, талабалар ва фуқаролар учун танани соғломлаштириш учун жисмоний ривожланиш; атлетик гимнастика, аэробика, теннис, (стол тенниси), бадминтон бўйича турли секциялар (гуруҳлар) ташкил қилиш;

турли жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларини ташкил этиш, секция қатнашчиларининг мавзе, маҳалла, шаҳар, ҳудуд мусобақаларини ташкил этиш;

ўқув муассасасига қарашли спорт иншоотларида (корт, стадион, бассейн, тир, спорт залларида) ўқув муассасаси тренерлари раҳбарлигида пуллик абонементли машғулотлар ўтказиш.

Педагогик хизматлар кўрсатиш:

ўқув юртлари ҳамда турли тоифадаги аҳолини ўқитиш учун белгиланган тартибда тасдиқдан ўтказилган муаллифлик ўқув режалари, дастурлари (шу жумладан компьютер дастур воситалари) ишлаб чиқиш;

абитуриентлар учун турли хил ахборот — сўровнома типидаги қўлланмалар, педагог ходимлар ва бошқалар учун белгиланган тартибда тасдиқдан ўтказилган методик, дидактик қўлланмалар ишлаб чиқиш, кўп нусхада кўпайтириш ва тарқатиш;

ўқув юртлари базасида педагогик, иқтисодий янгиликлар бўйича турли семинарлар, конференциялар ўтказиш, (жумладан хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда);

ўз имкониятлари билан махсус тўпламлар, тавсияномалар нашр этиш, уларни ички абонементли тўлов асосида ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари, талабалари, ходимлари ва ота-оналарга тарқатиш.

ЭСЛАТМА

● Юқорида кўрсатилган пуллик хизматлар кўрсатиш жараёнида жорий солиқ қонунчилигига риоя қилиш шарт. Таълим муассасалари учун имтиёзларни маҳаллий солиқ инспекцияларидан олиш мумкин.

● Пуллик хизмат кўрсатаётган таълим муассасаларининг банкларда махсус ҳисоб рақами бўлиши лозим.

Юқоридаги пуллик хизматлар қатъиян ихтиёрий равишда ташкил қилинади ҳамда давлат дастур ва режаларидан қўшимча бўлиши керак.

Боши ўтган сонларда.

МОЗИЙНИНГ ХОЛИС ТАЛҚИНИ

Ҳозирги кунда энг оғир ижтимоий муаммо бу эски мустамлакачилик тузумининг шовинистик мафкураси таъсиридан тамомила холос бўлган Ватаннинг ҳур фикрловчи, мустақилликнинг муқаддас неъмат эканлигини янги тафаккур мезонида ўлчай олишга қодир, маънавий соғлом, етук фуқароларини тарбиялашдир. Бунда чинакам ҳақиқатни ёритувчи тарихчиликнинг аҳамияти ҳам беқиёсдир.

Республикамиз Президенти ўз вақтида бонг уриб Ватан тарихини боғчалардан тортиб олий таълим тизимларининг барчасида ўқитиш зарур деган донишона фикр билдириб, ватанпарвар олимларнинг фаолиятига кенг йўл очиб юборди. Унинг натижаси ўлароқ мустақил Узбекистон манфаатларини мақсадли — илмий-тарихий жиҳатдан ҳимоя қилишга қодир бўлган Ватан тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона Концепцияси яратилди. Уни тарих фанлари доктори, профессор И. Турсунов раҳбарлигидаги бир гуруҳ тарихчи ватанпарвар олимлар яратдилар. Шунга ҳамоҳанг дастур ҳам тайёрланди. Биринчи марта мустақиллик руҳига мос, концепция ва дастурга бўйсундирилган «Ватан тарихи»нинг биринчи китоби дунё юзини кўрди. Олий ўқув юртлари ва ўрта махсус таълим талабалари учун мўлжалланган бу қўлланма «Ўқитувчи» нашриёти томонидан (1997) 50000 нусхада (махсус муҳаррир УзФА ҳақиқий аъзоси Аҳмадали Асқаров таҳрири остида) чоп этилди. Муаллифлари таниқли тарихчи олимлар Ш. Каримов ва Р. Шамсутдиновлардир. Халқимизда «Нимани эксанг шуни урасан» деган мақол бор. Муаллифнинг юраги, маънавияти, миллатга муносабати қандай даражада эканлиги унинг китобидан яққол кўринади. Ш. Каримов ва Р. Шамсутдиновларни ҳамкорликда «Ватан тарихи»ни ёзишга ундаган сабаб Ватан, эл-улус, миллат, қолаверса озод Узбекистон дардидир. Улар Ватан тарихи зарур эмас дегувчи «зиёлилар» касалига шифо истаб қўлни-қўлга бериб ишлашга бел боғлаган ватанпарвар олимлар сирасига мансуб муҳаррирлардандир. Бўни муаллифларнинг ўтиш давридаги мураккаб қийинчиликлар суқмоқларидан ўтиб, Шуро давлатининг асл мақсади миллатлар шўрини қўритувчилик сиёсати эканлигини очишдаги машаққатли изланишларидан билиш мумкин. Ватан тарихи китобининг 1-жилдини қўлга олиб, «Кириш» қисмига назар ташлаган китобхон бўни дарҳол ҳис қилади. Саҳифаларни варақлаган сари Шуро давлатининг синоатлари фош бўла боради. Халқимизнинг тарихий тафаккури лойқалантирилиб, занглаган темир каби эмиришга маҳкум этилганлиги мозий номидан тилга киради.

Мана, Кремль баланд девори ичида миллатга қарши тўқилган темир тўр ва тузоқлар мозийга аён, миллатдан пинҳон йўриқлар: «Маҳаллий аҳоли орасидан етишиб чиққан раҳбарларнинг оммавий чиқишларида миллий бўёқ берилишига йўл қўйилади, аммо у миллатнинг ўсишига, бирлашувига хизмат қилмаслиги керак. Бошланғич ва ўрта мактабларда, ўрта ва олий ўқув юртларида ота эътибор қозонган ўқитувчилар ишдан четлаштирилиши лозим бўлади. Уларнинг ўрнига биз томондан белгиланган кишиларни қўйиш керак. Тарих дарсларида ўтмишдаги сиёсатдонлардан кимлар ватан равнақи учун хизмат қилишгани ёки хизмат қилишга уринишгани ҳақида гапириш мумкин эмас, эътиборни фақат подшолар зулми ва уларга қарши қаратилган халқ курашига бурмоқ лозим бўлади. Олий ўқув юртларига шундай кишиларни қабул қилишга эришиш керакки, улар халқнинг қуйи қатламидан бўлишсин ва уларни мутахассислик бўйича чуқур билим олиш эмас, балки фақат диплом қизиқтирсин». (Ш. Каримов, Р. Шамсутдинов, «Ватан тарихи», Тошкент, «Ўқитувчи», 5-бет). Муаллифлар уша миллий сиёсат қандай оғир оқибатларга олиб келгани, натижада миллатни-миллат қилиб турувчи устунлар бирин-кетин шовинизм фойдасига нурай бошлаганини қуйидагича ифодалайдилар: «Коммунистик партияни юргизган бундай улуғ давлатчилик — мафкуравий сиёсати халқимиз ва миллатимиз тақдири учун аянчли оқибат ва натижаларга олиб келди. Ватан тарихини билмаслик, узбек халқининг миллий қадриятлари ва урф-одатларидан узоқлашиш оқибатида жамиятда шундай авлод вакиллари шаклландики, уларнинг аксариятида миллий онг ва миллий ғурур тушунчалари сўнди. Уларнинг онгида Узбекистон тақдирига, узбек миллати тақдирига, маданиятимиз, тарихимиз ва тилимиз, динимиз тақдирига лоқайд ва бефарқлик муносабатлари ғояси устивор мавқени эгаллади. Миллат истиқболи учун вазият шу даражада ҳалокатли нуқтага етдики, Узбекистон Республикаси ўзининг давлат мустақиллигига эришгандан кейин ҳам, ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қилиш имкониятига эга бўлганимиздан сўнг Ватан тарихини ўқитишга қарши кураш йўлини тутувчилар ҳам бўлдилар. Улар ўз «ғоялари»ни асослашга интилиб, «Узбекистон тарихини жаҳон халқлари тарихи билан бирга қўшиб ўқитиш керак», «Узбекистон тарихи — бу мактаб фани», олий ўқув юртларида Узбекистон тарихи ўрнига Узбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тарихини ўқитиш лозим. Жаҳон халқлари тарихини ўқитишга ўтиш даркор». «Олий ўқув юртларида умуман Узбекистон тарихини ўқитишга эҳтиёж йўқ» каби фикрларни ўртага ташладилар.

— Албатта, — дейди муаллифлар, — бу миллий ғоясизлик, миллий ғафлат ва миллий виждон инқирозининг туб ўзагида ўз она тарихидан бехабарлик ётади. Бу эса қуллик, тобелик ва мустақилликка мутелигининг асосий аянчли кўринишидир.

Ҳозиргача бирон-бир дарслик — на қўлланма мазкур фан мақсадини ана шу тарзда қўйган эмас. Жумлалар содда, аммо мантиқли ва жуда моҳияти кенг ва чуқур.

Қўлланма жами ўн бобни ўз ичига олади. Унинг қамровига кирган воқеалар ва тарихий ҳодисалар мозий тонгида инсонинг пайдо бўлишидан то темурийларгача бўлган даврдан иборат. Қўлланманинг илмий қиммати шундаки, унда тарих ҳақиқатининг устиворлигидир. Дарсликда миллий қаҳрамонларимиз бўлган буюк тарихий шахслар, сохталиклардан халос бўлган ҳолда ҳақиқий талқинини топган.

Китобда Тумариснинг она юртга оналарча меҳру муҳаббати, душманга нафрати, унинг қасос қиличининг адолатли қучи, Александр Македонскийнинг бир зарба билан саклар ва массагетлар авлодларини бўйсундириш йўлига ғов солиб саркардани ғафлатда қолдирган Спитамен ҳақида, Ўрта асрларда Шарқ юксалишини бошлаб берган улуғ аллома ва мутафаккирларимизнинг жаҳон фан ва маданияти равнақи йўлидаги буюк хизматлари, Жалолиддин ва Темур Малик ҳамда Нажмиддин Кўброларнинг Ватан озодлиги йўлида мўғулларга қарши курашдаги қаҳрамонлиги ва ёғий босқинидан кейинги ҳад-ҳудудсиз фожиали даврнинг аччиқ манзараси ёритилган. Ниҳоят Ватаннинг буюк ўғлони Соҳибқирон Амир Темурнинг тарих майдонида жиддий — жаҳди, оқибат Туроннинг улуғ ва қудратли давлатига айланиб, жаҳон сиёсий харитасини ўзгартириб юборувчи жаҳоншумул аҳамиятли иқтисодий, маданий ўзгаришлар руй берганлиги 527 саҳифали «Ватан тарихи»дан жой олганлиги илмий изчиллик, тарихий ҳақиқат мезонида ўз ечимини топган.

Тарихимизнинг чалкаш ва оғир даври ниҳоят мазкур қўлланма яратилгандан кейин ўз ечимини тарих ҳақиқати асосида топди. Бу муаллифларнинг жасоратли ва машаққатли изланишлари мевасидир.

Жумабой РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Ўзбекистон тарихи назарияси ва методикаси бўлими мудири, педагогика фанлари номзоди.

Yangi darslik

ЖАЖЖИЛАР ИЖРОСИДА ОНА-ДИЁР МАДҲИ

Тошкент шаҳридаги 380-болалар боғчасида Мирзо Улуғбек туманидаги мактабгача тарбия муассасалари ўртасида Ватан, мустақиллик тўғрисидаги қўшиқлар кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Танловда еттита энг кучли болалар боғчалари тарбияланувчилари ўзаро куч синашишди.

«Соғлом авлод учун» мавзусида дастур тайёрлаб келган 367-, ҳамда ўзига хос чиқиш қилган 504-болалар боғчаларининг санъат шайдолари танлов ғолиблари бўлишди. «Узбекистон» қўшиғини ижро этган 380-, ҳамда «Кетмон — меҳнатга чорловчи» ўйинини маромига етказиб тайёрлаган 383-болалар боғчалари тарбияланувчиларига иккинчи ўрин насиб этди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Суратларда: кўрик-танловдан лавҳалар.

Рустам ШАРИПОВ олган суратлар.

Maktabgacha tarbiya

МАЪНАВИЯТ КУРТАКЛАРИ

Собир Раҳимов туманидаги «Кичкинтой» номли 65-болалар боғчасида «Мурғак қалбларда маънавият» мавзусида болалар боғчалари ходимларининг шаҳар семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Семинар-кенгашни Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти директори Шомухтор Шомансуров кириш сўзи билан очиб шундай деди:

— Ёш ниҳол қайси томонга эгилса, уша тарафга қараб ўсганидек, маънавият ҳам жажжи болакайлар қалбига илк ёшданоқ сингдирилса, унинг куртаклари шунчалик эрта униб, ўз самарасини кўрсата бошлайди. Шунинг учун дилбандларимиз билан ўтказиладиган машғулотларимизни ўзига хос, ёшига мос, қизиқарли, мазмунли олиб боришимиз лозим.

Семинарда Юнусобод туманидаги «Пахтаой» номли 554-болалар боғчасининг ширинтой болажонлари «Даврамизга марҳабо» мавзуидаги машғулотларида, Ўзбекистон ҳақида ва унда яшаб ўтган алломалар — Ибн Сино, Бобур, Навоий, Улуғбек каби олимлар, шоиру табиблар тўғрисидаги билимлари ҳамда уларнинг амалга оширган ишлари, ёзган асарлари, шеърлари, одоб-ахлоққа оид ҳикматли сўзлари орқали ўз Ватанига, ота-онаси ва дўстларига бўлган меҳр-муҳаббатни, ўзбекона ахлоқий қоидаларни шакллантиришга имкон қадар ҳаракат қилдилар.

Шунингдек, семинар-кенгашда шаҳардаги 17, 65, 186, 537-болалар боғчаларининг тарбияланувчилари ҳам фаол иштирок этдилар.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти мактабгача тарбия бўлими мудири М. Исломова, болалар боғчалари мудиралари Ф. Иброҳимова (17-боғча), А. Акбархўжаева (65-боғча), М. Хўжаева (554-боғча) ва бошқалар мактабгача тарбия муассасаларида маърифат ва маънавият куртакларини шакллантириш ҳақида мунозара-суҳбат қилишиб, муаммоларни ҳал этиш борасида ўзаро тажриба алмашишди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири муовини, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев иштирок этди.

Дилбар ХЎЖАЕВА.

(Боши 1-бетда).

пайдо бўлди. Албатта, бу қаршиликлар табиий эди. Чунки бу тажриба дарс утишнинг қотиб қолган усулидан воз кечишни талаб этарди. Одатдагидек дарсга кириб 4-5 ўқувчидан уй вазифасини сураб, сўнгра янги мавзуни бошловчи ўқитувчиларга дастлаб табақалаштириб ўқитиш анча оғирдек туюлди. Бундан ташқари ҳар уччала синфда дарс утаётган ўқитувчи ҳар бир синфга алоҳида тайёргарлик кўришга мажбур бўлиб қолди.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш учун махсус тадбир ишлаб чиқиб, ўқувчилар билан алоҳида, ота-оналар билан алоҳида, ўқитувчилар билан ҳам алоҳида тушунтириш ишлари олиб бордик.

Ўқитувчиларнинг ишлари кунлик назорат остига олинди.

Ҳар бир муаллим ўзига алоҳида журнал ташкил этиб, ўқувчилар билим даражаси ва ҳаракати ҳар куни қайд этиб борилди. Яхши ўқиётган, ҳаракати бор ўқувчиларни рағбатлантириш, қолоқ ўқувчиларни жазолаш мақсадида ҳар ой охирида ўқувчилар билимига якун ясалиб, ўқишида ижобий ўзгариш бўлганлар «Б» ва «А» синфларга кўтарилди ёки аксинча ўз устида ишламай қўйган ўқувчилар «Б» ва «В» синфга туширилди. Бу усул муддат ўтган сари ўзини оқлай бошлади. Ўқув йилининг охирги чорагига бориб «А», «Б» синфдаги ўқувчилар сони кўпайди. Ўқув йили бошида «А» синфда — 22, «Б» синфда — 27, «В» синфда — 32 нафар ўқувчи бўлган бўлса, йил охирига келиб «А» да — 29, «Б» — 34, «В» синф эса 18 нафар ўқувчини ташкил этди.

Бу тажрибанинг яхши томонини илғаган жамоамиз 1991-92 ўқув йилидан бошлаб 5—9-синфлар ўқувчиларини ҳам табақалаштириб ўқитишни йўлга қўйди. Бунда олдинги йилги тажриба асосида иш олиб борилди, яъни ўқувчилар билими ҳар ой якунланди. Бу тажрибани ўтказишда мактаб жамоаси жуда қаттиқ меҳнат қилишга мажбур бўлди.

472 нафар 5—9-синф ўқувчилари табақалаштириб ўқитилиб, бир қанча ижобий натижаларга эришилди. Тажриба 1992-93 ўқув йилида ҳам давом эттирилди ва уч йил давомида жуда пухта синалгандан сўнг энг илғор, жонкуяр ўқитувчиларнинг таклифи билан қобилиятли ўқувчиларни ажратиб ўқитиш яхши натижа беради, деган қарорга келинди.

УЙҒУНЛИК

ЁХУД БУГУННИНГ МАКТАБИ УЧУН ЎҚУВ ҲАМ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМ ЗАРУР

1993—94 ўқув йилидан бошлаб 25 нафар ўқувчи 2-синфдан синов асосида танлаб олиниб, тажриба сифатида уларга инглиз тили бошланғич синфлардан ўргатила бошланди. Бу синф учун олий тоифали инглиз тили фани ўқитувчиси Гули Насриддинова ўзи дастур ва дарслик яратиб, мазкур дарслик асосида иш олиб борди. Дарсликда кўпроқ кўргазмалиликка эътибор қаратилган бўлиб, ўргатиладиган ҳар бир мавзу учун алоҳида расм туширилган эди. Бунда бошланғич синфлардаги ўқувчилар ёшини ҳисобга олишга ҳаракат қилинди.

1994—95 ўқув йилида эса 25 нафар ўқувчи 5-синфдан танлаб олиниб, инглиз тили чуқурлаштирилиб ўргатила бошланди. Мазкур ўқув йилида 2—8-синфларда 150 нафар ўқувчи инглиз тилини чуқурлаштирилган дастур асосида урганишмоқда. Қисқаси, бошланғич синфдан инглиз тилини ўрганган ўқувчилар 4-синфда, 6-синф дастурини ўзлаштириб олишади.

1994—95 ўқув йилида 9-синфни тугатган 20 нафар ўқувчи танлаб олиниб, чет тили чуқур ўргатиладиган лицей-синф ташкил этилди. Лицей-синфга тажрибали инглиз тили ўқитувчиси Фотима Раҳматова раҳбар этиб тайинланди.

1996—97 ўқув йилида 1-синфга 17 нафар 7 ёшли болалар синов асосида танлаб олиниб, гимназия синфи ташкил этилди. Бу синфда инглиз ва араб тиллари 1-синфдан ўргатила бошланди.

Ҳозирги кунда мактабимизда 7 та инглиз тили чуқур ўргатиладиган, 1 та гимназия ва 2 та инглиз тили ҳамда биология фанлари бўйича лицей-синфлар фаолият кўрсатмоқда. Бу синфларда 216 нафар ўқувчи чуқурлаштирилган дастур асосида билим олмоқда. Ўқувчиларнинг билим даражалари эса тест рейтинг асосида балли тизимда баҳоланиб борилаётир. 1-синфдан бошлаб эса ўқувчиларни тест синовларига тайёрлаб боришга катта эътибор берилмоқда. 1992—93 ўқув йилида мактаб фан олимпиадасига 2-синф ўқувчиларини жалб этган бўлсак, 1996—97 ўқув йилида 1-синф ўқувчилари ҳам ўзига хос олимпиаданинг иштирокчиси бўлишди.

Гимназия синфида таълим-тарбия олаётган ўқувчилар учун алоҳида ўқув, ётоқ ва ўйин хоналари ажратилган. Лицей-синф ўқувчилари эса дарсдан кейин тўлик тўгаракларда машғул бўлишади.

Бозор иқтисодиёти шароитида мактабни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 1993 йил январь ойида туман ҳокимлигининг қарорига биноан мактаб қошида «Ўқувчилар ширкати» ташкил этилди. Ширкат ўз низомига эга бўлиб, асосий вазифаси ўқувчиларни касб-ҳунарга ўргатиш ва мактаб ўз маблағига эга бўлишидир. Бир йилдан буён мактаб қошида «Маиший хизмат уйи» ишлаб турибди. Бу ерда сартарошхона, пойабзалларни таъмирлаш ва тикиш, бичиш-тикиш, тўқувчилик, гиламдўзлик, шунингдек, парта, стол, стул ва ўқув тахталарини таъмирловчи дурадгорлик, телевизор, радио ва магнитофонларни таъмирлаш, кичик бетонгишт ишлаб чиқариш цехи каби бўлимлар фаолият кўрсатмоқда. Мактаб ошхонаси ва буфети ҳам ширкат ҳисобига ўтказилган. Ширкат ҳисобидан мактабда «Ўқув қуроллари дўкони» ҳам ташкил этилган.

Мактабни таъмирлаш ишларига ва гишт цехига доимий ишловчилардан ташқари юқори синф ўқувчилари ҳам буш вақтларида шартнома асосида ишга қабул қилинади. Тушган фойданинг бир қисми мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ободонлаштириш, ўқувчилар ва ўқитувчиларга ёрдамлашиш каби ишларга сарфланади.

Ширкат ҳисоб рақамига 400000 сўмга яқин жамғарма йиғилган бўлиб, шундан 100000 сўмига мактабни иситиш тармоғи учун двигателлар сотиб олинди. Бундан ташқари мактаб спорт мажмуасини ташкил этишга ҳам киришилди. Мажмуа 3000 ўринга мўлжалланган футбол ўйингоҳи, қўл тўпи, волейбол, баскетбол, ҳарбий, спорт ҳамда теннис корти майдончаларига эга бўлади.

Мактаб жамоаси мажмуани қуришга кўмаклашаётган оталиқ ташкилоти бўлмиш— Жума Пирназаров жамоа хўжалиги бошқаруви, ота-оналар, мактабнинг собиқ битирувчиларидан беҳад мамнундирлар.

Мажмуа шу йилнинг апрель ойида мактабнинг 60 йиллик тўйи арафасида қуриб битказилиши мўлжалланаяпти.

Ниятимиз 1997—98 ўқув йилидан бошлаб мактабни Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунида кўрсатилган комплекс мактабга айлантиришдир. Бунда мактаб ёнидаги «Ғунча» болалар боғчаси билан ҳамкорликда болалар 3 ёшдан бошлаб мактабга тайёрланади. 5—6 ёшдан эса оғзаки нутқ, ёзув элементлари, саноқлар инглиз ва араб тилларида ўргатила бошланади. Болалар мактаб ёшига етгач, энг қобилиятлилари 1-синфга синов асосида танлаб олиниб, гимназия синфларида ўқишларини давом эттиришади.

Бундан ташқари, 7-синфни тугатгандан сўнг ўқувчиларга турли йўналишлар бўйича касб-корлик гуруҳлари ташкил этилади. 8—9-синфларда мактаб ихтиёридаги соатлар ҳисобидан касб-ҳунар машғулотлари ўргатилади. Улар амалий машғулотларни мактаб қошидаги «Маиший хизмат уйида» ўтказадилар.

Педагогик жамоамизнинг асосий мақсади мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларни миллат оғриқларини сезадиган, дардига малҳам бўла оладиган, миллатимиз қадр-қимматини юксакларга кўтара оладиган, маънавияти етук, пок қалбли ёшларни тарбиялашдир. Жамоамиз ана шу улуғ йўлда сидқидилдан самарали меҳнат қилаётирлар.

Курбонали РАСУЛОВ,
Узун туманидаги Н. Каримов номли 4-ўрта мактаб директори.

МАҚСАД — БОЛАЛАР БИЛИМИНИ АНИҚЛАШ

Узбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг 1995 йил 20 февралда қабул қилган «Умумтаълим мактаб ўқувчиларини билим даражаларини аниқлаш мақсадида ёзма ишлар ўтказиш ҳақида»ги 40 сонли буйруғи асосида ҳар ўқув йили учинчи чорагининг охирги ўқув ҳафтасида она тили, математика, физика, химия, биология, тарих, чет тили фанларидан ёзма (тестлар) ишлар ўтказилиб келинмоқда. Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад таълим мазмунини янада такомиллаштириш, умумтаълим мактаб ўқувчиларининг ўқув дастури материалларини ўзлаштиришларини ҳамда уларнинг билим даражаларини аниқлашдир.

Ёзма ишлар (тест) натижалари мактаб, туман (шаҳар), вилоят миқёсида таҳлил қилиниб, ўқувчилар билим олишларида юзага келадиган типик хато ва камчиликлар аниқланади. Бу хато ва камчиликларни юзага келтирувчи сабаблар ўрганилади ҳамда тегишли ташкилотларга (Республика таълим маркази, Узбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти) алоҳида йўналишлар бўйича вазифалар берилади. Янги дастур, дарслик, ўқув методик адабиётларга тузатишлар, тўлдиришлар ва бошқа таклиф мулоҳазалари берилади, жорий ўқув йилида ўқув-тарбия ишларида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни навбатдаги ўқув йилида такрорланмаслигининг чора-тадбирлари белгиланади.

Вазирлик томонидан юборилган ёзма ишлар (тестлар) натижаларини таҳлил қилиш (буйруққа илова қилиб берилган) жадвалига мактаб, туман (шаҳар) ва вилоят миқёсида ўз шарт-шароитларидан, имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қўшимчалар киритиши мумкин.

Айрим фанлар бўйича ўтказиладиган ёзма ишлар учун Республика таълим маркази томонидан методик тавсиялар ишлаб чиқилган ва жойларга юборилган.

Фанларни ўқитишдаги ҳудудий ўзига хосликлар сабабларини ўрганиш, ўқитувчи кадрлар савиясидаги бошқа сабаблари мавжудми? Буларни изчиллик билан таҳлил этиб бориш, ҳар бир фан бўйича ўқувчилар дастурининг қайси бўлимларида кўпроқ хатоликларга йўл қўйилганлиги ҳамда дастурни қайси бўлимларидан яхши ўзлаштирганлиги ҳақида қисқача ва аниқ маълумотнома ҳамда таклиф ва мулоҳазаларни бўйруқда кўрсатилганидек 1-майга қадар Вазирликнинг умумий ўрта таълим Бош бошқармасига етказиш талаб этилади.

Ўқувчиларнинг билим даражаларини таҳлил қилишни эслатиш мақсадида олдин берилган 2 та жадвалга изоҳ тариқасида қуйидаги ишларга амал қилиш керак:

а) 1—4, 5—9 ва 10—11-синфларнинг фанлар бўйича алоҳида-алоҳида таҳлили берилади;

б) Таҳлил туман (шаҳар)лараро қилиб берилади;

в) Натижаси (вилоятники) чиқариб қўйилади.

Мазкур тадбир бўйича таълим муассасалари олдига қўйилган асосий талаб ўқувчилар билимини холислик билан баҳолаш, «гап эшитиб қолмаслик» қабилида иш тутмаслик, ҳақиқий аҳволни хаспўшлаш, натижаларни бузиб курсатишга йўл қўймасликдир. Акс ҳолда ёзма ишлардан кўзланган асосий мақсад руёбга чиқмай қолади, топширилган натижалар юзаки ва сохта бўлиб қолади. Ваҳоланки, бу ёзма ишларнинг натижалари барча таълимни бошқарув муассасаларининг кейинги босқичлардаги фаолияти учун кўзгу бўлмоғи керак.

Шукур ПЎЛАТОВ,
ХТВ Умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

КАСБ ФИДОЙИСИ

Галина Фёдоровна Виноградова. Бу исм нафақат республикамиз, балки собиқ иттифоқ республикаларининг ҳам мактабгача тарбия ходимларига яхши таниш.

Узбекистонда 30 йиллик методистлик фаолияти давомида у кишидан услубий ёрдам олмаган тарбиячи, у киши бормаган бирон шаҳар ёки туман йўқ ҳисоби.

Кўп йиллар методист, республика мактабгача тарбия методика кабинети директори вазифаларида ишлаш давомида касбдошлари орасида шу касбнинг фидойиси образини яратди.

70-80 йилларда ушбу соҳа бўйича биронта республика анжумани у кишининг иштирокисиз ўтган эмас. Кўпгина мактабгача тарбия муассасаларидан, у ёққан ижод учқуни натижаси ўлароқ, республика, Иттифоқ анжуманларининг совриндорлари етишиб чиқди.

Шунингдек, у мудира бўлиб ишлаган боғчанинг собиқ тарбияланувчилари ва уларнинг ота-оналари меҳрибон, зийрак тарбиячи, у ўқитган Тошкент Давлат педагогика институти ва мусиқа билим юрти собиқ талабалари билимдон ўқитувчи сифатида эслашади.

Машаққатли меҳнатлари юксак баҳоланган. У киши кўплаб орден ва медаллар ҳамда нишонлар соҳибаси.

40 йиллик ижодий ҳаёт йўли ортда қолди. Лекин бу ҳаммаси эмас, у киши Узбекистон ёшлари тарбиясининг камолоти йўлида ҳамон меҳнат қилаяпти.

Биз у кишига мустаҳкам соғлиқ, узоқ-умр, бахт тилаб қоламиз!

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ДОИМИЙ ИШЛАБ ТУРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КУРСИ ЖАМОАСИ.

Ijodkor o'qituvchilarning anjumani oldidan

Сизга яхши маълумки, ижодкор ўқитувчилар ва тарбиячиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Республика Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ҳар йили ижодкор ўқитувчиларнинг республика анжуманини ўтказиб келмоқда. Бу йил галдаги анжуман Андижон шаҳрида ўтказилиши кўзда тутилган. Бўлажак анжуман қатнашчиларига илҳом ва муваффақият тилаб, улар ижодидан намуналар бериб боришни лозим топдик.

МЕН КЕТАМАН

Гуллар қоладилар маъюс чайқалиб,
Саболар қолади ортимдан бўзлаб.
Дарахтлар туради унсиз букчайиб,
Туради хатарли йўлимни кўзлаб,
Мен эса кетаман.
Юлдузлар бағрида йиғлаб қолади,
Болалик аталган беташвиш йиллар.
Қочмоқдан оғим жуда толади.
Ортимдан бекилиб боради йўллар,
Мен эса кетаман.
Кетаман. Аждардай дарё тўлганар,
Чирқиллаб-чирқиллаб қушлар қолади.
Субҳидам бир гўзал чўчиб уйғонар,
Саҳарда бузилган тушлар қолади.
Мен эса кетаман!

Баҳодир АБДУРАЗЗОҚ,
Муборак туманидаги
23-мактаб ўқитувчиси.

ТЎРТЛИКЛАР

Мен ҳақнинг кўкида чаққан чақинман,
Мудом ҳақ йўлида юрган оқинман.
Сен нима уйласанг уйлайвер, майли,
Мен ҳақнинг қулиман, Ҳаққа яқинман.

* * *

Сўз дилга яқину йироқ бўлади,
Бири рост, бириси лофроқ бўлади.
Мен севдим, майли, сен ишонма жоним,
Ҳар вужуд бир сиқим туфроқ бўлади.

Ҳазрат ЗУЛФИҚОРОВ,
Жондор туманидаги
50-мактаб ўқитувчиси.

КАРВОН ЙЎЛИ

Карвон йўли узун-узун,
Қўнғироқлар жиринглар.
Бунча олис экан манзил,
Қарогларим жимирлар.
Орзум қуши қанотлари,
Тилим-тилим яродур.
Учолмаган ул қушгинам,
Менинг билан бородур.
Ташлаб кетсам кўзим қиймас,
Юрак қоним қўшилган.
Олиб кетсам тинчлик бермас,
Малол келар хушимга.
Мен бораман манзил томон,
Девонадай ҳайрона.
Учраб қолар йўлларимда,
Қўнгил отлиг вайрона.

Маърифат ЖАҲОНГИРОВА,
Марҳамат туманидаги
27-мактаб ўқитувчиси.

ЮЛДУЗЛАР ОЛАМИГА ЙЎЛ

2. ГАЛАКТИКА НИМА?

Қоронғу тунда булутсиз осмонга қаралса минглаб юлдузлар кўзга ташланади. Сомон йўли юлдузлари чарақлаб туради. Қуёш ҳам шу юлдузлар туркумига киради. Бу юлдузлар туркумига Галактика деб ном беришди (юнонча galaktikos — сутли сўзидан, яъни сачратилган (тўкилган) сут каби маъносини билдиради; рус тилида Млечный Путь дейиладди). Агар Галактикамизга бошқа яқинроқ Галактикадан қарасак, у бир томонлама эзилган, 150 миллиард юлдузлар жойлашган шар формасида кўринади.

Галактикамизни ўрганиш ниҳоятда мураккаб. Чунки биз унинг ичида яшаймиз. Яшаганда ҳам коинот вақти билан ўлчаганда қисқа яшаймиз. Унинг исталган жойини бориб кўра олмаймиз. Четга чиқиб ҳам кузата олмаймиз. Шунга қарамай олимлар, конструкторлар айрим усуллар ишлаб чиқишганки, улар Галактиканинг ҳар хил бурчакларидан келаётган электромагнит нурланишларни синчиклаб ўрганишади. Шундай кучли назариялар яратишадики, улар ҳар хил кузатувлар натижаларини боғлаб, умумлаштирадилар, қонуниятларни аниқлайдилар... Шу асосда Галактикамиздаги баъзи ҳодисаларни башорат қила оладилар. «Нурдан ҳам тез ҳаракатланувчи нима?» деб сўрашса, «Инсон фикри, хаёли» деб жавоб бериш мумкин.

Космик аср бундан 40 йил олдин (ядро асридан бироз кейинроқ) бошланди. — Ядро асри атом бомбасидан бошланган булса, биринчи йўлдош учирилишидан космосни тинчлик мақсадида ўзлаштириш, унга қўниқиш бошланди. Шу йиллар давомида инсон космик учишнинг уни ўрганишнинг муҳимлигини тушуниб етди. Коинот моделлари инсоният тараққиёти билан биргаликда ривожланди. Яқин-яқингача коинот улкан оловли шар формасидаги кўп сонли юлдузлар, улар атрофида ҳаракатланадиган катта ва кичик сайёраларни ўз ичига олган чексиз бўшлиқ сифатида тасаввур қилинарди. Ҳозирги тасаввуримиз бўйича космик фазо хилма-хил нурланишлар, заррачалар оқими билан тўлатилган ва узлуксиз тешилгани тешилган; юлдузлар галактикалар дейиладиган улкан системаларга уюшган, яъни бизнинг Қуёшимиз кирган галактика танҳо эмас, аксинча галактикалар сони 10^{10} дан анча кўп. Бундай хулосага Коинотнинг инсоният учун кўринишли бўлган қисмининг (яъни Метагалактиканинг) синчковлик билан кузатилиши ва ҳисоби олиб келди.

Галактикалар орасидаги масофалар ниҳоятда катта бўлиб, ердаги масофалар тасаввури орқали уларни фаҳмлаш қийин. Шу сабабли астрономияда «улкан» узунлик бирликлари киритилган: астрономик бирлик (а.б.), ёруглик нури йили (ё.н.й.), парсек (пк). 1 а.б. Ер билан Қуёш орасидаги ўртача масофа — 150 млн. км; 1 н. й.=6,324.10^4 а.б., яъни ёруглик нурининг бир йилда ўтган масофаси; 1 пк=3,262 ё.й.

Галактикамизнинг диаметри деярли 30 кпк бўлиб, юлдузлар сони 100 млрд=дан кўпроқ. Қуёшимиз Галактика марказидан 8÷10 кпк масофада узоқликда юради. Галактикамизга энг яқин бўлган Магеллан туманликларигача 52÷63 кпк. Галактикамизга ўхшаш бўлган Андромеда туманлигигача 700 кпк 2 млн. ё.й.дан кўпроқ. Охирги йиллар инсониятнинг ҳозирги кузатув чегарасида (яъни Метагалактика чегарасида) кучли радионурланиш манбаи бўлган ғалати объектлар — квазарлар аниқланди. Масалан, 3 С—9 квазар биздан 10 млрд. ё.й. узоқликда бўлиб, ёруглик тезлигига яқин бўлган 240000 км/с тезлик билан узоқлашмоқда. Ундан бизга етиб келган нур ўз манбаини ҳали Қуёш системаси яралмаган пайтда тарк этган. Квазар яралаётган янги галактиканинг ядроси деган тахмин (гипотеза) мавжуд.

Коинотнинг замонавий моделари ғалати хулосаларга олиб келади. Узоқдаги юлдузларнинг фақат қадимги ҳолатларинигина кузата оламиз, чунки улардан чиққан нур уларни қадим замонларда тарк этган булиб, кўп йиллар узоқ — машаққатли йўлларни босиб келади ва ўша узоқ юлдузлар ҳақида маълумот беради. Ҳозир уларнинг баъзилари мавжуд бўлмаслиги ҳам мумкин. Метагалактикамизда Қуёш системасининг мавжудлигини билмайдиган туманликлар ҳам кам эмас. Чунки унинг пайдо бўлганини етказувчи нур уларгача ҳали етиб бормаган...

Қуёш системаси марказий юлдузимиз Қуёшдан, унинг тўққизта катта сайёралари Меркурий, Венера, Ер, Марс, Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун, Плутонлардан (сайёралар қуёшга яқинлик тартибида келтирилган) ва уларнинг йўлдошларидан, 2000 дан ортиқ кичик сайёралар — астероидлардан, юзлаб кометалар, 50 дан ортиқ метеорлар галаларидан ва сайёралараро фазода тарқалган чексиз сонли метеор жисм ва заррадардан иборат. Қуёш системасининг диаметри тақрибан 12 млрд.км. Қуёшнинг сайёралари унинг атрофида бир томонга айланади. Қуёш системасининг массалар маркази Галактикамиз маркази атрофида эллиптик орбита бўйлаб анчагина катта тезлик билан ҳаракатланади — (ҳозирги тезлиги 300 км/с) ва тақрибан 200 млн. йилда бир айланиб чиқади.

Ер — Ой системасининг массалар маркази ҳам Қуёш атрофида эллиптик орбита бўйлаб ҳаракатланади (бу марказ билан Қуёш орасидаги ўртача масофа 150 млн.км; Ернинг орбита бўйлаб ўртача тезлиги 30 км/с, бир марта тўла айланиб чиқиш вақти 365,256 ўртача қуёш суткасига тенг).

Қуёш ядролар реакцияси, нурли энергиянинг узатилиши, конвекция зоналаридан ва фотосфера, хромосфера, тождан иборат қобиқдан ташкил топган бўлиб, диаметри 1,5 млн.км бўлган оловли (плазмали) шар формасида; марказидан узоқлашган сайин унинг моддаларининг ҳарорати, зичлиги камайиб боради. Фотосферадаги ўртача ҳарорат 600^0 Ц.

Ҳар секундда Қуёшдан ниҳоятда катта энергия чиқиб туради (. 4.10^{23} квт). Еримиз шу энергиянинг млиарддан бир бўлагини олади (.4.10^{14} квт). Бу эса, Ер юзида инсоният қурган барча энергосистемалар энергиясидан анча катта. Ернинг атмосфераси Қуёш нурланишининг 0,29÷4,0 мкм узунликдаги тўлқинларинигина ўтказади (етиб келган нурланишнинг 50%). Қолганларини эса қайтаради ва ютади (ультрабинафша, рентген, гамма нурлари, ички ядрореакцияларидан ҳосил бўлган альфа, бета (элементар) заррачалар, протон, нейтронлар ва бошқалар шуларнинг ичида). Ультрабинафша нурларининг катта миқдори (дозаси) одам терисини куйдиради, кўзини шикастлантиради ва бошқа оғир хасталикларга олиб келади. Рентген, гамма нурлари, элементар заррачалар одам аъзоларида ионлаштиришни юзага келтириб, нур касаллигига олиб келади. Ишлаб чиқилган норматив бўйича одам (космонавт) бир ой космосда учишда олган умумий нурланиши 50 бэрдан, бир йиллиги эса 150 бэрдан ошмаслиги керак.

Ҳар бир инсон нуқсонсиз бўлмаганидек, ҳатто қуёш ҳам доғсиз бўлмайди, дейишади. Ҳақиқатан ҳам махсус оптик ускуна ёрдамида қараганимизда Қуёш «юзи»даги доғларни аниқ кўрамиз. Бундай доғ бор жойдаги ҳарорат бошқа жойлардаги ҳароратдан 200^0 Ц кам бўлади. Қуёш юзидаги доғлар сони ва майдони унинг фаоллиги билан узвий боғлиқ экан (фаолликнинг 11 йиллик даври аниқланган). Бу фаолликка транспортдаги авариялар, эпидемиялар тарқалиши ва бошқалар боғлиқ.

Қуёш қаърида баъзан жуда катта термоядро портлашлар бўлиб туради. Атрофга юқори энергияли заррачалар оқими отилиб чиқади, ультрабинафша, рентген нурланишлари содир бўлади. Қуёшдаги электромагнит нурланиш Ерга 8÷9 минутда, элементар заррачалар (протонлар, альфа заррачалар ва б.) оқими Ерга бир неча суткада етиб келади. Ионлаштирувчи нурланишлардан, зарядланган заррачалардан инсон ҳаётини Ернинг магнит майдони ва атмосфераси ҳимоя қилади.

Боши газетамизнинг 12 апрель сонида.

Давоми бор.

Xullas...

ДЕРАЗА ОРТИДАГИ «ЎРНАК»

Узимизда мактаб жамоалари қўшимча таълим-тарбия бериб, ердан ҳосил олиб даромад топишаётган бўлса, тюменликлар бу борада «антиқа йўл» тутишибди. 49-ўрта мактабда вино магазини очилибди. Унинг ёнгинасида жойлашган савдо растасидан эса кўнгил тусаган ғазакни ҳам харид қилиш мумкин. Шунингдек, 1-мактаб-гимназия ҳамда 40-ўрта мактаблар ҳовлиси ҳам машиналар учун тураржойга айлантирилиб, мумай пул топилаётган экан. Бу қанчалик фойдали иш эканлигини билмадигу, барча нарсага қизиқувчан болалар катталарнинг отамлашаётганини синфхона ойнасидан кузатиб, улардан «ўрнак» олиш пайига тушмаслигининг кафолатини ҳеч ким беролмаса керак.

ОНАНИНГ КЎНГЛИ БОЛАДАМИ?..

Витебск мактабларининг ўн уч яшар ўқувчиси Руслан Бебашко қаердандир бир зарбда портлайдиган «Муха» граната-метини қўлга киритади. Унинг ичида нима борлигига қизиққан Руслан ажални титкилай бошлайди. Натижада порох газлари зарби болани майдалаб ташлайди. Граната-мёт қаердан, қай йўл билан олинганини аниқлаш чекига тушган қидирув органлари кимдан, нимани сўрашга ҳам ҳайрон.

ТАБИИЙ «ТЕРМИНАТОР»

Жангари фильмлар ишқибозлари Голливуднинг машҳур актёри Арнольд Шварценеггернинг «Терминатор»да қўлларидаги механизмларни янгисига алмаштирганлигини яхши эслашса керак. Замонанинг зайлига қарангки, у ҳаётда ҳам шундай қилишга мажбур бўлди. Бироқ бу галгиси анчагина жиддий ҳамда Арнольднинг ўз қўлидан келмайдиган «таъмир» эди. У ўзи яратган қаҳрамонларга хос қатъиятлилик билан жарроҳнинг столига ётди. Юрак парогидан сўнг унинг юрак клапанларидан бирини янгисига алмаштирган Лос-Анжелос клиникаси шифокорлари жарроҳлик операцияси натижаларини сир тутаётган бўлишса-да, 49 ёшли актёрнинг соғлиги жойида бўлишига унинг ихлосмандларини ишонтиришмоқда.

ana shunaqa gaplar

Собир Раҳимов туманидаги А. Қодирий номли дам олиш ва истироҳат боғининг очилиши муносабати билан болалар сайли бўлиб ўтди. Сайил давомида ўқувчилар ўзлари тайёрлашган миллий кийимлар ва ҳунармандчилик буюмлари кўргазмасини намойиш этишди. Айниқса, 45-миллий лицей ўқувчилари томонидан тайёрланган кийим-кечаклар ҳаммага манзур бўлди. Кичкинтойлар эса ўзларининг жозибали концерт дастурларини ижро этишди. Боғча болалари ўртасида уч ғилдиракли велосипед пойгаси ўтказилди. Ғолибларга мукофотлар берилди.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

ҚУТЛОВ

Ҳурматли Мукофот ИСЛОМОВА!

Сизни туғилган кунингиз билан чин кўнгилдан табриклаймиз. Сизга оилавий бахт, мустаҳкам соғлиқ, уйингизга тинчлик тилаймиз.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси
Тошкент вилоят қўмитаси.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида 1997 йил май ойида режа асосида навбатдаги курслар ишлай бошлайди. Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади.

1. Чет тиллар бўйича мактаб методбирлашма раҳбарлари — узб. 5—31
2. География фанидан янги дастур ва дарсликлар бўйича (маърузачилар гуруҳи) — узб. 5—17.
3. ВУМОИ (ВПХМОИ) кимё кабинети методистлари, кафедра, бўлим мудирлари — узб. 19—31.
4. Туман (шаҳар) ХТБ методист назоратчилари (химия, биология мутахассислиги бўйича) — узб. 5—31.
5. ЭҲМни ўқув жараёнида тадбиқ этиш: кимё-биология ўқитувчилари учун — узб. 5—17.
6. Бошланғич синф ўқитувчилари учун лотин ёзувига асосланган янги узбек алифбосини ўрганиш курси — узб.19—31.
7. ВУМОИ (ВПХМОИ) мусиқа кабинети мудирлари — узб. 5—17.
8. Ёрдамчи мактаб, мактаб-интернатларнинг узбек тили ўқитувчилари — узб. 5—31.
9. Янги турдаги мактаб, лицей, гимназияларнинг илмий мудирлари учун курс — узб. 19—31.
10. Тарихдан янги дастур ва дарсликлар асосида мақсадли курс — узб. 5—17.
11. Футбол бўйича тренер-ўқитувчилар курси — узб. 19—31.
12. БУСМ (Болалар ва усмирлар спорт мактаби) директор муовинлари — узб. 5—31.
13. Ёш техниклар ижодий маркази (ЁТИМ) методистлари — узб. 5—31.
14. Болалар стадион ўқитувчи-тренерлари — узб. 5—17.
15. Таълимда бизнес (мактаб директорлари учун курс) — узб. 19—31.
16. Биология фани янгиликлари ва муаммолари бўйича муаллифлик курси — узб. 5—17.
17. Лотин ёзуви асосида ёзув ўргатиш (ақли заиф, қурувчи полиомиэлит билан касалланган болалар мактаби ўқитувчилари) — узб. 5—24.
18. ВУМОИ (ВПХМОИ) маънавият ва маърифат бўйича мутахассислар курси — узб. 5—17.
19. Химия дарсларида янги педагогик технологиялар — узб. 5—17.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажати ва суткалик ҳақлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. 24 кунлик курсга келган тингловчилар санаторий ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 1—5 май кунигача қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар С. Раҳимов тумани. Саидов кўчаси, 6-уй. Студентлар шаҳарчаси. Телефон: 46-06-62, 46-06-67.

Afsus

ДИРЕКТОРЛАР ЎҚИМАСИН

Талаба Р. Савинов кўпроқ отиб қўйдию боши балодан чиқмай қолди. Ўша куни ҳушёрхонага тушиб, ички ишлар ходимларидан оладиганини олди. Узи ўқийдиган билим юртига бу ҳақда хабар келгач, билим юрти директоридан ҳам эшитадиганини эшитди, бироқ ўқишдан ҳайдаласан дегани чатоқ бўлди.

Бошини эгиб отасининг олдига келганда, хуноби ошиб турган бобой ҳам бир-икки болахонадор қилиб қойиб берди. Нима бўлганда ҳам фарзанди эмасми, ҳонури тушгач, нима қиламиз болам, деди.

— Сиз узингиз бир директорга учрашаркансиз, — деди айбдор ғиғ устозининг гапини отасига етказиб.

Учрашуддан сўнг отанинг баттар хуноби ошди. Ғулдираб сукинганча ичкарига кириб кетди. Нима гап бўлганидан ҳайрон талаба «ароқ ичмай мен ўлай» деб қанча қойинса-да, ўқишдан ҳайдалсам дабдала бўлади, деб ичичидан куйинарди.

Дарвоқе, ўша куни ҳунар-техника билим юрти директорининг яна бир ҳунари ошкор бўлди. Аввалига, болангни ўқишдан ҳайдайман, деган бу жаноб талабанинг отаси 1,5 минг сўм пул олиб боргандан сўнг, болангиз ўқийверсин, фақат бошқа ичмасин, деганди... Шу дам бу ишга аралашган ички ишлар ходимлари порахўр устозни жиноят устида қўлга туширдилар. Улар эндиликда директорнинг ўзини бу илм даргоҳидан ҳайдаш кераклиги ҳақида қоғоз қоралашмоқда. Агар суд буни тасдиқласа, аниқки, директор ишидан кетади ва бошқа даргоҳда тарбияланиб келади.

Хоразм вилоятининг Урганч шаҳридаги билим юртларидан бирида содир бўлган бу воқеа тафсилотини, директорлар ўқишсину аммо зинҳор бундай йўл тутишмасин.

БОСҚИНЧИ ҚИЗ

Эндигина 17 га кирган Қувватбоева Нукус шаҳридаги кўчалардан бирида айланиб юрганди, тўсатдан олдидан бир «барзанги»... қиз чиқиб қолди. Жимгина ўтиб кетаётганди, ҳалиги «барзанги» елкасидан тортди. Овозингни чиқарсанг кетдинг, — деди у яна нималарнидир қўшиб.

— Кечирасиз, мендан нима истайсиз, — деди Қувватбоева қўрқанидан атрофга олазарак боқиб.

— Қани тилла тақинчоқларингни еч!.

— Вой ўлмасам...

— Ўлмасанг ўлдираман, қани тез бўл.

Қувватбоеванинг қуввати кета бошлади. Ноилож зирак ва узугини ечиб берди. Ҳатто сумкасидаги 25 сўм пулини ҳам унга олдириб қўйгач, алам билан милиция ходимларига мурожаат қилди.

Воқеа тафсилотлари асосида иш олиб борган ички ишлар ходимлари зўравон қизни топиб келтирдилар. Ҳозир у безори эркакларга хос хатти-ҳаракатлари ҳақида милиция ходимларига ҳам «ўғилболача» тушунтириш бермоқда.

Ш. РЎЗИЕВ,
милиция катта лейтенанти.

O'quvchi-talabalarning IV respublika spartakiadasi

Халқ таълими тизимидаги ўқувчи ва талабаларнинг IV спартакиадаси қизғин паллага кирди. Мусобақалар Тошкент, Чирчиқ, Андижон, Наманган ва бошқа шаҳарларда давом этмоқда. Қуйида қиличбозлик ва шахмат мусобақалари ҳақидаги ахборотларни ўқийсиз.

ҚИЛИЧБОЗЛИК

6—14 апрель кунлари «Пахтакор» стадиони спорт клубида қиличбозлик бўйича IV спартакиада мусобақалари бўлиб ўтди. Қизғин давом этган курашлардан сўнг 8 та вилоят командалари ўртасида Тошкент шаҳри спортчилари спартакиада чемпиони бўлишди. Тошкент вилояти командаси иккинчи, Андижон вилояти спортчилари учинчи ўринни қўлга киритишди.

Шахсий биринчилик учун курашда рапирада қизлар мусобақаси ғолиби тошкентлик Н. Салоп спартакиада чемпиони бўлди. Усмирлар ўртасида ҳам Тошкент шаҳри вакили Ҳ. Каримов ҳурмат шоҳсупасининг тўридан жой олди.

Шпага бўйича тошкентлик Д. Ибрагимов ва сабля бўйича ҳам пойтахт командаси вакили К. Неизвестний биринчи ўрин соҳиби бўлишди.

ШАХМАТ

Чирчиқ шаҳридаги шахмат клубида 10 апрелдан 17 апрелгача қизғин давом этган беллашувларда 1980 йилда туғилган ва ундан ёшроқ ўқувчилар ўртасида баҳслар давом этди.

Мусобақада республиканинг 12 командасидан 72 ўқувчи ғолиблик учун кураш олиб борди.

Мусобақада Самарқанд вилояти спортчилари ўз маҳоратларини кўрсатишиб, энг юқори натижага эришишди ва IV спартакиада чемпионлари бўлишди. Тошкент шаҳри командаси иккинчи, қашқадарёликлар учинчи ўринни қўлга киритишди. Наманган, Тошкент вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари ҳам дуруст натижаларга эришишди.

Ғ. МАННОПОВ.

Sport

3 ЮТУҚ + 1 МАҒЛУБИЯТ = 2-ЎРИН

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси футболчилари Ҳиндистонда ниҳоясига етган саралаш ўйинларида муваффақиятли иштирок этди. Вакилларимизнинг Хитой (2:1), Ҳиндистон (2:2), Гана (3:2) терма жамоалари билан ўйинлари мутахассису ишқибозларда яхши таассурот қолдирди. Финалда эса юртдошларимиз ирокликларга 1:3 ҳисобида ютқазиб қўйиб, иккинчи ўринни эгаллашди.

Sport

ОЛТИНЛАР ДИЛШОД ВА РУСЛАНДА

Ўзбекистоннинг 11 нафар боксчидан иборат терма командаси Таиландда ўтказилган бокс бўйича «Қирол кубоги» учун 21-анъанавий турнирида иштирок этиб қайтдилар. Боксчиларимиз Таиланддан 2 та олтин, 3 та кумуш ва 3 та бронза медалларини қўлга киритишди. Ҳозирда мамлакатимиз «чарм қўлқоп» усталари Андижонда ўтадиган халқаро мусобақага ҳозирланмоқда.

Sport

ЯРА ЯНГИЛАНДИ...

Машҳур чарм қўлқоп соҳиблари Майк Тайсон ва Эвандер Холлифилд ўртасида ўтказиладиган матч-реванш учрашув шу йил 28 июнь кунига кўчирилди. Майкбойнинг чап қовоғидаги жароҳати машқ пайтида янгиланиб қолгани бунга сабаб бўлди.

Sport

ЭНГ ИРОДАЛИ ИРОДА

Яқинда Тошкентда теннис бўйича анъанавий халқаро ўсмирлар мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақада асосан Россия, Чехия, Литва, Молдавия, Покистон, Бангладеш, Қозоғистон давлатларидан келган моҳир ракетка усталари қатнашди. Кувончлиси шундаки, россиялик Елена Воропаева билан майдонга тушган юртдошимиз Ирода Тўлаганова мусобақанинг бош мукофотини олишга эришди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президент девони фан, таълим ва ижтимоий муаммолар масалалари бўйича бош консультант Тоҳиржон Каримович Иминовга отаси

Каримжонҳожи ота ИМИНОВ вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент давлат Шарқшунослик институти ректорати ва касаба қўмитаси араб тили кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори Темур Мухторовга отаси Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Асқад МУХТОР

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

ЭЪЛОН

Урта Чирчиқ туманидаги 3-урта мактаб томонидан Исроилов Фаррух Қайтмасович номига 1993 йилда берилган АУ N281609 рақамли урта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Холмуҳаммад КАРИМОВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0229.Тиражи 50.000. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6